БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 229 (17.809). • 4 октябрь 1980 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ ШАРАФИГА

5 850 000 ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 3 октябрга бўлган ЖАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	3,10	88,85	2.66	80,76
Бухоро	3,02	74,61	3,24	36,32
Қашқадарё	2,88	70,82	2,76	48,31
Сурхондарё	2,49	66,78	2,58	52,68
Жиззах	4,79	61,08	5,35	64,57
Фарғона	3,01	59,04	2,91	30,81
Сирдарё	5,50	58,58	5,50	58,97
Самарқанд	3,62	56,26	3,34	33,30
Хоразм	2,95	54,02	2,80	31,61
ҚҚАССР	3,45	51,07	3,39	37,76
Андижон	3,05	50,23	3,08	22,79
Наманган	3,09	43,89	2,81	21,27
Республика бўйича:	3,28	60,41	3,39	44,06
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	2,58	47,37	3,11	30,79
Бухоро	2,05	46,78	0,53	2,29
Қашқадарё	1,82	32,92	1,58	13,55
Наманган	1,90	30,41	2,08	9,92
Республика бўйича:	2,30	42,71	2,39	22,47

ПРОГРАММАГА МУВОФИҚ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 3 октябрь. (ТАСС). Космонавтлар Леонид Попов ва Валерий Рюмин экипаж «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида ишлаётган вақт давомидаги тўртинчи бўлган «Прогресс-11» автомат транспорт кемасининг юкини бўшатиб олишни давом эттирмоқдалар.

Космонавтлар элтиб берилган юкларнинг катта қисмини, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларини, ҳаёт таъминоти системасининг регенераторларини, ўз ресурсини ишлаб бўлган блокларни алмаштириш учун станция ичидаги системаларнинг айрим блокларини станцияга олиб ўтдилар. «Прогресс-11» кемасининг бакларидаги сув «Салют-6»даги идишларга қуйилди.

Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни ўрганиш программасига мувофиқ космонавтлар жаҳон океани акваториясининг айрим районларини кузатиб фотосуратга олмоқдалар.

«Қотишма» установкасида 1 октябрда бошланган технологик эксперимент давом эттирилмоқда. Бу экспериментдан кузатилган мақсад вазнсизлик шароитида кадмий-симоб-теллур бирикмасининг монокристалини етиштиришдан иборатдир.

Кун давомида космонавтлар комплекс тренажерда жисмоний машқлар билан ҳам шуғулланмоқдалар. «Чибис» вакуум костюмидан фойдаланиб машқлар ўтказмоқдалар.

Эртаги кунга ремонт-профилактика ишлари, Ер юзасини кузатиш ва суратга олиш режалаштирилган.

Медицина назорати маълумотларига ҳамда радио орқали сўзлашиш натижаларига кўра, Леонид Попов билан Валерий Рюмининг иш қобилияти ҳамон юксак даражада бўлиб ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. Уларнинг кайфияти яхши.

«Салют-6» — «Союз-37» — «Прогресс-11» орбитал комплекси белгиланган программага тўла мувофиқ равишда учишни давом эттирмоқда.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ИККИ РАЙОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

ҒАЛАБА. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини, СССР Конституцияси кунини улкан муваффақиятлар билан кутиб олиш мақсадида умумхалқ мусобақасини авж олдираётган Тошкент область Ғалаба райони меҳнаткашлари пахта тайёрлаш бўйича якунловчи йил халқ хўжалик планини ортиғи билан ado этдилар. Эл хирмонига 55 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этилди. Ҳосилдорлик гектарига 36 центнердан ошди. Район бўйича яппи ҳосилнинг 98 процента машиналар билан териб олинди.

Қабул пунктларига жўнатилган ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортларга топширилди. Район заршунослари ўн биринчи беш йиллик ҳисобига 30,8 минг тонна «оқ олтин» топширишга эришдилар.

«Победа», «Ленинград», Свердлов номли, Ленин номли, Энгельс номли, «Заря коммунизма» колхозлари, Волков номли совхоз ва Киров номли ўқув-тажриба хўжалиги йиллик топшириқни биринчилар қаторида бажариб, ана шу ғалабага катта ҳисса қўшдилар.

Энгельс номли, «Заря коммунизма», Ленин номли, Свердлов номли колхозларнинг заршунослари ҳосилдорликни 38-40 центнерга, «Победа», «Ленинград» колхозларининг моҳир деҳқонлари эса ҳосилдорликни 42-43 центнерга етказишга сўз бердилар.

Павел Де, Пётр Ким, Абилқосим Бейсенов, Ғаппор Жунусов, Наби Юнибоев, Тўлпен Асанбоев бошлиқ бригадалар ва кўпгина бошқа бригадалар ҳар гектар ердан 45-50 центнердан хирмон кўтаришга эришдилар.

Механизаторлар фидокорона меҳнат қилдилар. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг тажрибали звено бошлиқлари ва механизаторлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Энвер Алиев ва Абдусаттор Сулаймонов ҳамда Сапар Худойбергенов, Урокбой Нишонов, Маҳмуд Юнибоев, Мутал Турдибоев, Кирилл Ким, Ертой Худойқулов, Иляс Айвазов сингари механизаторлар ўз агрегатлари бункеридан 170-230 тоннадан «оқ олтин» бўшатдилар.

Район меҳнаткашлари давлатга дон, каноп, пилла, гўшт, сут, тухум, сабзавот, полиз ва бошқа маҳсулотлар топшириш плани ҳам муддатидан илгари бажарилишини таъминладилар. Гўшт топшириш суръатнинг ўсиши 145 процентни, сут — 115, тухум — 134 процентни ташкил этди.

Район пахтакорлари 15 октябргача давлатга жами 63 минг тонна ҳом ашё топшириб, социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш ва ҳосилдорликни 43 центнерга етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

* * *

ПЕШКУ. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш мақсадида зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Бухоро область Пешку райони меҳнаткашлари пахта тайёрлаш бўйича йиллик халқ хўжалик планини муваффақиятли ado этдилар. Она-Ватан пешкулик пахтакорлардан 39800 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Район бўйича ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил кўтарилди.

Мўл ҳосил учун курашда «Москва», Фрунзе номли, Жданов номли, Иби Сино номли, «Ўзбекистон», Куйбишев номли, «Октябрь», Ш. Эргашев номли, «Ленинизм», Навоий номли колхозларнинг меҳнаткашлари салмоқли натижаларга эришдилар. Бу хўжаликларда ҳосилдорлик 40-45 центнерга етказилди.

Район механизаторлари зарбдор меҳнат намунасини кўрсатдилар. «Зангори кема» капитанлари қариб 20 минг тонна «оқ олтинни» саранжом-саришта қилдилар. Қаюм Наимов, Гадой Ҳамтов, Истам Юринов, Нурилла Остонов, Мақбуба Жўраева, Истат Кўзиев ва бошқа механизаторлар ўз агрегатлари бункеридан 300-450 тоннадан «оқ олтин» бўшатиб, пахта хирмонининг тез юксалишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Фармон Рамазонов, Шамси Бозоров, Соҳиб Хайруллаев, Наим Раҳимов, Нур Отаев, Ботир Жумаев, Алим Ҳалимов, Файзи Фозилов, Ширин Равшанов бошлиқ бригадаларнинг заршунослари намунали меҳнат намуналарини кўрсатишди. Бу коллективлар гектаридан 42-55 центнердан ҳосил олдилар.

Район деҳқонлари давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турларини сотиш бўйича белгиланган беш йиллик планни ҳам муваффақиятли бажардилар.

Пешкулик пахтакорлар КПСС XXVI съезди шарафига давлатга яна 15 минг тонна «оқ олтин» топшириш юзасидан мажбурият қабул қилдилар.

ҚИЗИЛТЕПАЛИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Бухоро область Қизилтепа райони хўжаликлари пахта тайёрлаш бўйича беш йиллик планни бажардилар. Улар давлатга 178,856 тонна «оқ олтин» топширишди. Беш йиллик мобайнида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 15 центнерга кўпайди ва 35 центнерга етказилди.

Қизилтепаликлар эл хирмонига планга қўшимча яна 25 минг тонна пахта топшириш ва ҳосилдорликни 42 центнерга етказишга сўз бердилар.

БАҲОРИСТОНЛИКЛАР АРМУҒОНИ

Қашқадарё область Баҳористон райони меҳнаткашлари қабул пунктларига 12.487 тонна ингичка толали пахта топшириб, беш йиллик планни шараф билан уддаладилар.

Бу меҳнат муваффақиятига 27- ва 29- совхозларнинг меҳнаткашлари катта ҳисса қўшдилар.

СУРХОН ИПАК ПАХТАСИ

Сурхондарё областида юз минг тонна ингичка толали пахта териб олинди. Бу қимматбаҳо экинни етиштирувчи деҳқонлар мусобақасида Ачғор, Жарқўрғон, Қумқўрғон районларининг хўжаликлари пешқадамлик қилмоқдалар.

Ангор районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг СССР Олий Совети депутати Хубажамол Абдуҳакимова бошлиқ бригадаси заршунослари ҳар гектар ердан 40 центнердан ипак пахта териб олдилар. Бу коллективда план бажарилган бўлса-да, терим давом этяпти.

Ҳозир Сурхондарё областида 250 та бригада, 13 та бўлим ва 3 та хўжалик йиллик топшириқни муваффақиятли уддалади. Область бўйича ҳар бир агрегатнинг кунлик иш унуми 4,3 тоннани ташкил этаётир. Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли совхоз механизатори Шайдулло Хазратов бир кунда ўз агрегати бункеридан 32 тонна пахта тўкди.

БУНКЕРЛАР БАРАКАСИ

Наманган областининг Тўрақўрғон, Поп ва Учқўрғон районлари механизаторлари ҳар бир агрегат билан кунига ўртача 5—5,5 тоннадан хом ашё термоқдалар. Поп районидаги «Найман» совхозидан Мирза Маматов, Уйчи районидаги «Гулистон» совхозидан Орифжон Нуриддинов, Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Ҳамиджон Арсловнлар кунига 16—22 тоннадан пахта теришяпти. Ҳозир бу механизаторларнинг ҳар бири ҳисобида 250 — 330 тоннадан пахта бор.

ХУШХАБАРЛАР

«Победа» совхози Наманган область Янгиқўрғон районида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш бўйича беш йиллик планни бажарди. Ҳосилдорлик ўтган йиллар мобайнида ўртача 34,7 центнерни ташкил этди.

3 октябрь эрталабгача республика бўйича 3.503.946 тонна, шу жумладан 149.482 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

Бир кунда териб олинган хом ашё 190.177 тоннани ташкил этди. Шунинг 130.779 тоннаси машиналар билан териб олинди.

Ингим-терим ишлари Сирдарё ва Жиззах областларида юксак суръатлар билан олиб бориляпти.

Совхоз меҳнаткашлари давлатга яна 667 тонна ҳом ашё топшириш юзасидан мажбурият қабул қилдилар.

* * *

Фарғона область Киров районидаги Киров номли совхоз меҳнаткашлари пахта тайёрлаш беш йиллик планини поёнига етказдилар. Совхоз заршунослари қабул пунктларига пландаги 77.067 тонна ўрнига 78.300 тонна ҳом ашё топширдилар. Совхозда дон, гўшт, сут, тухум тайёрлаш ўнинчи беш йиллик планлари ҳам ортиғи билан бажарилди.

* * *

Қашқадарё область Ғузор районидаги Киров номли совхоз меҳнаткашлари давлатга пахта топшириш йиллик планини шараф билан уддаладилар. Хўжалик деҳқонлари қабул пунктларига 2380 тонна юқори сифатли хом ашё топширдилар.

ПЕШҚАДАМЛАР ҲИММАТИ

Пешқадам хўжаликлардан бири —Қорақалпоғистон АССР Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз азаматлари беш йиллик планга қўшимча еттинчи минг тонна пахтани топширишга киришдилар. Колхоз заршунослари давлатга пландаги 22680 тонна ўрнига 28900 тонна «оқ олтин» топширдилар. Ҳосилдорлик 55 центнерга етказилди.

Хўжаликнинг Йўлдош Бекчонов, Бегиш Абдиев, Қўчқор Мамутов бошлиқ бригадаларида ҳар гектар ердан 60—65 центнердан хирмон кўтарилди.

ШОЛИКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Ленинобод районидаги «Партия XXII съезди» совхозида механизатор хотин-қизлар юксак натижаларга эришяптилар. Чунончи, моҳир комбайнчи; ҚҚАССР Олий Совети депутати Менглихон Сотбоева кунига 25 тоннагача шоли янчишга эришяпти. У ҳозиргача 300 тонна шолини янчди.

Тажрибали комбайнчининг дугоналари Перде Усенова ва Бозор Утеназаровлар ҳам мавсум бошидан буён 250 тоннадан дон янчишга эришдилар.

НАВБАТ — МАЖБУРИЯТГА

Самарқанд область Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхоз меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида галаба рапортига имзо чекдилар. Мавжуд 1031 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил кўтарилди. Давлатга 3000 тоннадан ортиқ хом ашё топширилди.

Колхоз заршунослари ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказиш ва 15 октябргача давлатга 4635 тонна «оқ олтин» топшириб, социалистик мажбуриятни ҳам бажаришга қарор қилдилар.

ИККИ КОЛХОЗ ЗАФАРИ

Тошкент область Пискент районидаги Свердлов номли ва Охунбобоев номли колхоз заршунослари пахта тайёрлаш йиллик планларини ado этдилар.

Свердлов номли колхозда 4600 тонна хом ашё тайёрланди ва унинг ҳаммаси машиналар билан териб олинди. Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари эса 4480 тонна пахта тайёрладилар.

КУНИГА 7 ПРОЦЕНТДАН

Сирдарё областидаги қўриқ Оқолтин районида энг юқори суръатга эришиляпти. Оқолтинликлар кунига йиллик планнинг 7 процента миқдорида пахта тайёрлаяптилар. Кунлик машина терими плани эса 8 процентни ташкил этяпти.

Район заршунослари қабул пунктларига ҳар куни 5 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли хом ашё жўнатмоқдалар. «Фарғона» совхоз-техникумининг механик-ҳайдовчиси Ҳазрат Пирматовнинг кунлик иш унуми 25 тоннани ташкил этди. У бир ҳафта мобайнида машина бункеридан 150 тонна пахта тўкди.



ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Дўстлик районидаги А. Саркисов номли совхознинг Қулмирза Қамбаров бошқарувчилик қилаётган 5-бўлими пахтакорлари биринчилар қаторида ғалаба рапортига имзо чендилар. 515 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил кўтарилди. Ҳосилнинг ҳаммаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

Бўлим пахтакорлари гектаридан яна 10 центнердан «оқ олтин» териб олиб, ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Пахтазорларда 17 та терим агрегати юқори унумлар билан ишлатилмоқда.

Бўлимда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажарган Мақсуд Усмонов, Шоди Хидиров, Беҳмирза Қамбаров, Аббос Салаев, Ҳамид Норқуловлар бошлиқ бригадалар заршунослари ҳосилдорликни 40—45 центнерга етказиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Механик-ҳайдовчилар мусобақасида Аббос Салаев, Мақсуд Усмонов, Шоди Рафиев ва Беҳмирза Қамбаровлар голиблик қилмоқдалар. Улар ҳозиргача ўз агрегатлари бункеридан 150—200 тоннадан пахта тўндилар. Суратда: бўлим бошқарувчиси Қ. Қамбаров илғор механизатор А. Салаев билан пахтазорда.

К. Жўрақулов фотоси.

КООРДИНАЦИЯЛАШ — САМАРАДОРЛИК КАЛИТИ

Ядро реакторларидан фойдаланиб бажарилувчи илмий-тадқиқот ишларини координация қилишга бағишланган XI Бутуниттифоқ кенгаши Тошкентда ўз ишини тугатди.

Москва, Ленинград, иттифоқдош республикаларнинг физика актуал проблемаларини ҳал этиш ҳамда фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда қатнашаётган илмий муассасаларидаги тадқиқотларнинг ташкил этилиши ва якунлари батафсил кўриб чиқилди.

Тадқиқотларнинг назарий ва экспериментал савияси ошганлиги, практика билан алоқалари мустаҳкамланганлиги айтиб ўтилди. Партия белгилаётган янги вазифаларни ҳал этишга физика фани қўшадиган ҳиссани янада оширишга ёрдам беруви чоралар белгилаб олинди. Мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга илмий коллективлар ҳиссасини кучайтируви, илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширувчи муҳим шартлардан бири сифатида ишларни координациялашни изчил чуқурлаштириш аҳамияти таъкидланди.

Тошкентлик олимларнинг қилган ишлари кенгашда юксак баҳоланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро физикаси институтида яратилган прибор бир тонна руда таркибидаги бир грамм олтинни ҳам билиб беради. Дала шароитларида ишлайдиган прибор шундай бўлса институт лабораториялардаги стационар қурилма эса, ўнлаб миллион бошқа зарралар орасига кириб қолган бир дона олтин атомини ҳам кайд эта олади. Академик Г. Н. Флеров бу муваффақият Бутуниттифоқ кўламида тадқиқотларни координациялаш планларида кўзда тутилган илмий муассасаларни самарали ихтисослашга мисол деб таъкидлади. Институтнинг бир группа назариётчи олимлари ва экспериментчилари активациён анализ методини ривожлантирибгина қолмай, муваффақиятли конструктив қурилмани ҳам топди, бу сезгир ва аниқ анализ усулини жорий этишни тезлаштиришга ёрдам берди. Тошкентлик физиклар эришган юксак назарий ва экспериментал даража институт мамлакат миқёсида ана шу проблема хусусидаги тадқиқотларнинг асосий координатори бўлиб қолмоғига имкон берди. Шунга мувофиқ кенгаш Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институти билан активацион анализ соҳасидаги бошқа илмий муассасаларнинг навбатдаги вазифаларини белгилаб берди.

3 октябрь куни СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. П. Александров раислигида ўтган якуниловчи ялпи мажлисда конференциянинг қарори қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ГВАРДИЯЧИЛАР УЛУШИ

Хоразм область Янгиариқ райони хўжаликларида машина терими юксак суръатлар билан олиб бориляпти. Дала гвардиячилари мавсум бошидан буён қариб ўн минг тонна хом ашёни териб олдилар. Ҳар бир агрегат бир ўртача 80 тоннадан пахта терилди. «Москва» колхозининг пешқадам механизаторлари Олим Отажонов, Отахон Ибодуллаев, Саъдулла Отаниёзоларнинг ҳар бири ҳозирдеёқ 220—230 тоннадан пахта тердилар.

ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан мамлакатимизда расмий дўстлик визити билан меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикасининг Президенти Н. С. Редди 3 октябрда Москвадан Ленинградга жўнаб кетди.

Аэродромда Н. С. Реддини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Ленинград аэропортида Президентни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми аъзоси, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Н. С. Редди Ғалаба майдонида Ленинграднинг қаҳрамон ҳимоячилари монументи пойига гуллар қўйди. (ТАСС).

Суратда: Ҳиндистон Республикасининг Президентини аэродромда кузатиб қолиш пайти.

(ТАСС-ЎзТАГ телефотоси).

ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАНАДИ

3 октябр куни Ўзбекистон пойтахтида шаҳар жамоатчилиги вакилларининг Германия Демократик Республикаси эълон қилинган кунинг 31 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари қардош социалистик давлат халқига янги ҳаёт қурилишида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

Шу куни В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетида шонли санага атаб Ўзбекистонда ГДР китоблари декадаси очилди. Бу ерга келган кишилар университетда ташкил қилинган виставкани зўр марок билан кўздан кечирдилар. Виставканинг экспозициясига Леонид Ильич Брежнев ва Эрих Хонеккернинг, совет ва немис ёзувчиларининг асарлари қўйилган. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДА БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Композицион полимер материаллар ва уларни халқ хўжалигида қўлланишга бағишланган биринчи Бутуниттифоқ конференцияси 3 октябрь куни Тошкентда тугади. Конференцияда беш юзга яқин доклад тақдим этилди. СССР Фанлар академияси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, бир қанча илмий муассасалар уюштирган конференция ишида олимлар, ишлаб чиқариш ходимлари, турли министрликлар ва идораларнинг вакиллари иштирок этдилар. Композицион материалларнинг ҳозирги замон материалшунослиги учун актуал бўлган проблемалари муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).

ТЕАТР ТАНҚИДЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Ўзбекистон театр жамияти правленисининг 3 октябрь куни бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида республика театр танқидчилиги олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Постановкаларга холисона баҳо бериб халқнинг буюк зафарларини тўлалигича акс эттирадиган, совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнати ва маънавий гўзаллигини тараннум этувчи, замона билан ҳамоҳанг теран спектакллар яратилиши учун курашиш — танқидчиларнинг энг муҳим бурчи эканлиги таъкидлаб ўтилди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

БЕШ ЙИЛЛИК—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Москва шаҳрининг саноат корхоналарида ўнинчи беш йиллик якунловчи йили топшириқларини Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги кунигача бажариш учун бошланган ватанпарварлик ҳарайати республикамиз пойтахти меҳнат коллективлари ўртасида қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Абразив комбинати, «Миконд» заводи, тўқимачилик комбинати, 3-ун заводи, Октябрь 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмасининг илғор коллективлари москваликларнинг ташаббусига биринчилар қатори қўшилиб, зарбдор меҳнат вахтасига турдилар.

Тошкент шаҳар партия комитети ва касаба союзлари область Совети илғор коллективларнинг ана шу ташаббусини маъқуллаб, қарор қабул қилдилар. Район партия комитетларига, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига бу қимматли ҳаракатни барча меҳнат коллективларида оммавий тус олдириш тавсия этилди.

ҒОЯТ МУҲИМ ИШ

Бухоро шаҳар партия комитети соғлиқни сақлаш муассасалари бошланғич ташкилотларида ижроини текшириш ва назорат қилишнинг аҳволини ўрганиб чиқди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда соғлиқни сақлаш муассасалари партия ташкилотлари ўз коллективларида сиёсий ва ташкилотчилик ишини сезиларли кучайтириб юборганликлари таъкидланади. Ишнинг усул ва услубларини такомиллаштириш ғоят муҳимлигини ҳисобга олиб, улар ижроини назорат қилиш ишини яхшилашга эътиборни кучайтирмоқдалар.

Барча бошланғич ташкилотларда раҳбар партия органлари қарорларини, шунингдек ўзлари қабул қилган қарорларни амалга ошириш жараёнини назорат қилишнинг аниқ тартиби ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Ижрони назорат қилиш билан боғлиқ масалалар партия йиғилишларида қараб чиқилмоқда. Коммунистларнинг ўз хизмат вазифаларини ва КПСС Устави талабларини қандай бажараётганликларига доир ҳисоботларини эшитиб бориш анъана бўлиб қолди. Йиғилишларни тайёрлаш, қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни назорат қилиш ишига коммунистлар ва мутахассисларнинг кенг қатлами бевосита жалб этилмоқда. Назоратни ташкил этиш ва ижрони текширишни яхшилашда маъмурият фаолиятини контрол қилиш комиссиялари, халқ контроли группа ва постлари катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Шу билан бирга, бошланғич партия ташкилотларининг қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этиш борасидаги фаолиятида муайян нуқсонлар ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Улар коллективлардаги ишнинг ҳақиқий аҳволи учун касаба союз ва комсомол ташкилотларининг масъулиятини оширмаётирлар, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда уларнинг ролини кучайтирмаётирлар. Ариза ва шикоятларни қараб чиқиш, меҳнаткашларни қабул қилиш ишларида ҳам бир қатор нуқсонлар бор. Шаҳар партия комитети бюроси ана шу камчиликларни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш муассасалари бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада активлаштиришга қаратилган қарор қабул қилди.

РАҲБАР ВА КОЛЛЕКТИВ

Хоразм область партия комитети Шовот район партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг меҳнаткашлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишни олиб боришдаги иштирокига тааллуқли масалани қараб чиқди. Қабул қилинган қарорда таъкидлаганидек, район, бошланғич партия ташкилотлари меҳнат коллективларининг аъзоларини тарбиялашга раҳбар кадрларни, инженер-техник ходимлар ва мутахассисларни тобора кенг жалб этмоқдалар. Уларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш, иш услубини такомиллаштиришга натта эътибор бериладиган бўлиб қолди. Районда ягона сиёсий кунлар, ижтимоий-сиёсий ўқувлар, илмий-амалий конференциялар ўтказиш яхши анъанага айланди. Оммавий-сиёсий иш такомиллаштирилмоқда. Кўпгина раҳбар ходимлар маъмурий-хўжалик фаолиятини одамларни тарбиялаш, меҳнат коллективларида соғлом, ижоднорлик ва ташаббускорлик вазиятини вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик билан моҳирона қўшиб олиб бормоқдалар, социал-иқтисодий ривожланиш планларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашмоқдалар. Бир қатор раҳбарлар КПСС ташқи ва ички сиёсатини, марксча-ленинча назарияни актив пропаганда қилиш, пропагандистлиндан иборат ғоят муҳим партия топшириғини шараф билан бажармоқдалар.

Раҳбар кадрларнинг ғоявий-сиёсий тарбия ишида бевосита иштироки район меҳнаткашларининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун меҳнат ва сиёсий активлигини оширишга самаралий таъсир кўрсатмоқда. Меҳнатчиларнинг 95 процентдан зиёди социалистик мусобақада фаол қатнашмоқда. Коммунистик меҳнат ғўлами кенгаймоқда. Шу кунларда 15 коллектив, 156 ишлаб чиқариш илғори ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

ҲАР БИР КОММУНИСТ—ФАОЛ

Сурхондарё область партия комитети Ленин йўли районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз партия ташкилотининг коммунистларда актив ҳаётий позицияни тарбиялаш борасидаги ишини ўрганиб чиқди. Шу нарса таъкидландики, совхоз партия ташкилоти КПСС XXV съезди талаблари ва КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, коммунистлар, барча меҳнаткашларда актив ҳаётий позицияни тарбиялаш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Идеологик ишни яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, коммунистлар томонидан КПСС Устави талабларининг бажарилиши, уларнинг авангардлик ролини таъминлаш масалалари партком мажлислари, цех партия ташкилотларининг йиғилишларида мунтазам қараб чиқилмоқда.

Саксондан ортиқ коммунист пропагандистлик, агитаторлик сингари жамоат топшириғини фаол бажармоқда. Партия комитети ишлаб чиқаришнинг барча участкаларини, бўлимлар ва бригадаларни партиявий таъсир билан қамраб олиш учун зарур чораларни кўрмоқда, партия ташкилотининг структураси муттасил такомиллашмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш топшириқларини муваффақиятли бажариш имкониятини бераётир.

Шоҳида Каримова ўрта мактабни битиргач, Тошкентдаги 5-ҳунар-техника билим юртини тугаллади ва тўқувчилик касбини эгаллади. Ҳозир у Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқимачилик фабрикасида ишламоқда. У комсомол-ёшлар бригадасида ишлаб, ўз шахсий беш йиллигини муваффақиятли бажарди.

И. Глауберзон фотоси.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҒАЛАБАСИ

КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1980 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиб бораётган Оржоникидзе райони меҳнаткашлари улкан зафарни қўлга киритдилар. 23 сентябрда давлатга сабзавот сотиш бўйича планни шараф билан адо этган оржоникидзеликлар 1 октябрда картошка, мева ҳамда узум сотиш бўйича халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажардилар.

Район меҳнаткашлари давлатга ғалла сотиш планини 258 процент, пилла сотиш планини 116 процент қилиб адо этишган эди. Сут ва ғўшт тайёрлаш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам диққатга сазовордир.

Улкан ғалабага «Октябрь», «Маданият», Ленин номли, «Коммунист» колхозларининг, «Қибрай», Р. Мусамўҳамедов номли совхоз-заводларнинг коллективлари ва бошқа қатор хўжаликлар муносиб ҳисса қўшдилар. «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Эгамназаров раҳбарлик қилаётган бригадаси аъзолари ҳар гектар майдондан 350 центнердан сабзавот, 223 центнердан картошка ҳосили олиб, яхши натижага эришдилар. «Коммунист» колхозидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Т. Хожиев бошчилик қилаётган бригада азаматлари 16 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 500 центнердан помидор олишга эришдилар. Шу колхознинг Тамара Шоғиёсова бошлиқ маккажўхоричилик бригадаси азаматлари эса 42 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 118 центнердан «каҳрабо дон» хирмони кўтариб, донг таратишди.

Оржоникидзе райони хўжаликларида маҳсулот тайёрлаш ва давлатга сотиш қизғин давом эттирилянти. Район меҳнаткашлари йил охиригача давлатга сотилган сабзавот миқдорини 100 минг тоннага етказишга ҳамда яна қўшимча равишда 2 минг тонна узум сотишга қарор қилишди.

Оржоникидзе райони дала баҳодирлари КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини меҳнатда улкан зафарлар билан кутиб оладилар.

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

БЕЛГРАД, 2 октябрь. (ТАСС). Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси А. А. Хўжаев бошчилигидаги республика Олий Совети делегацияси 25 сентябрдан 29 сентябргача расмий дўстона визит билан Македония Социалистик Республикасида(ЮСФР) меҳмон бўлди.

Делегацияни Македония Социалистик Республикаси Президиумининг Раиси Л. Арсов қабул қилди. Делегация республиканинг бир қанча шаҳарларига борди.

Македония Социалистик Республикаси маҳаллисининг делегацияси билан ўтказилган музокаларда иккала республиканинг иқтисодий, социал ва сиёсий ривожланиши тўғрисида ахборот берилди. Ҳар иккала томон ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга тайёр эканлиги билдиришди.

Ўзбекистон ва Македониянинг бир-бирларига делегациялар юбориб туриши, биродарлашган шаҳарлар — Тошкент билан Скопле ўртасидаги дўстона алоқаларни кенгайтириш кўзда тутилди. Македонияда Ўзбекистон маданияти кунлари ва Ўзбекистонда Македония маданияти кунларини ўтказиш планлаштирилмоқда.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЖАҲОН АҲЛИНИНГ ҚАТЪИЙ ТАЛАБИ

Жаҳон Касаба союзлари федерацияси (ЖКФ) бош кенгашининг навбатдаги сессияси 2 октябрь куни Москвада ўз ишини давом эттирди. Сессия қатнашчилари Жаҳон Касаба союзлари федерацияси синфий ҳаракатларнинг самарадорлигини ошириш, социал иқтисодий проблемаларни ҳал этиш, тинчлик учун, кескинлик юмшатилишини мустаҳкамлаш учун курашни активлаштириш йўлларини муҳокама қилмоқдалар.

Регионал ташкилотлар ва турли мамлакатлардаги касаба союз марказларининг вакиллари федерациянинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қила туриб, ЖКФнинг энг муҳим вазифаларини кўриб чиқмоқдалар, жаҳон ишчилар ҳаракати ва касаба союз ҳаракатида тобора кўпроқ ҳурмат ва обрў-эътибор қозонаётган федерация фаолиятини янада активлаштиришнинг катта имкониятларини кўрсатиб ўтмоқдалар.

Эркин немис касаба союзлари бирлашмаси марказий правлениесининг раиси Г. Тиш таъкидлаб айтдики, федерациянинг фаолияти ишда эпчиллиги, турли қитъалар ва мамлакатлардаги касаба союзлари курашининг ўзига хос шарт-шароитлари эътиборга олинишини тақозо этади.

Польша касаба союзлари бирлашмаси марказий кенгашининг раиси Р. Янковский мамлакат касаба союз ҳаракатида вужудга келган аҳволни, иқтисодий қийинчиликларга олиб келган сабабларни анализ қилди. Нотиқ мамлакатдаги антисоциалистик унсурларнинг кирдикорларини, империалистик доираларнинг Польша касаба союз ҳаракати бирлигига путур етказиш, ПХРда ривожланган социализм қурилиши ишида меҳнаткашларнинг куч-ғайратларини заифлаштириш йўлидаги уринишларини қаттиқ қоралади.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда. (ТАСС).

МИНИСТР—ХАЗИНА ЎҒРИСИ

НЬЮ-ЙОРК, 3 октябрь. (ТАСС). Бу ерда олинган хабарларда айтилишича, Исроилнинг тергов органлари Исроил ҳукуматидаги суиистеъмолларни текшириш юзасидан узоқ чўзилган ишни ниҳоясига етказмоқда. Бу сафар полиция Исроил диний ишлар министри Абу-Хацейрани жиноят устида қўлга туширгани эди, бу кимса ҳукумат фондларидан турли мақсадларда уялмай-нетмай фойдаланган эди. Миллий-диний партиянинг раҳбарларидан бири бўлмиш Абу-Хацейра Бегин бошчилигидаги «Ликуд» деб аталган ўта реакцион блок ҳокимият тепасига келганидан кейин шу министрликка бошлиқ қилиб қўйилган эди. Шундай қилиб, миллий-диний партиянинг раҳбарлари қарши қўйилаётган айблар бутун ҳукмрон коалицияни бадном қилади.

Одатда Исроилда иккинчи даражали товламачиларга кўнгилчанлик қилиб туришмайди. Юқори мансабдор муттаҳамлар тўғрисида гап борганда эса, иш бошқача тус олади. Гарчи ҳали тергов тугамаган бўлса ҳам, у терговчилар айбланувчи билан яккама-якка гаплашиш истагини билдирган босқичда турибди. «Нью-Йорк таймс» газетасининг Қуддус полиция дораларидан олинган манбаларга асосланиб хабар қилишича, «министр якшанба куни унинг ўз иш кабинетида, иш кунидан кейин сўроқ қилинади, чунки Абу-Хацейра ҳукуматнинг якшанба куни ўтказиладиган ҳафталик мажлисида қатнаша олишига имкон бериш керак бўлиб қолди». Шундай қилиб хазинани ўғирлаш билан ном чиқарган жиноятчи ҳали ҳам кабинет аъзосига берилаётган ҳамма имтиёзлардан, шу жумладан полициянинг «алоҳида» муносабатидан баҳраманд бўлиб турибди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **БЕРЛИН.** 25 сентябрдан 2 октябргача ГДРнинг жанубидаги Гера округида социалистик мамлакатлар кино санъати кунлари ўтказилди. Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия кинематографиячилари мана шу анъанавий кино кўригига ўз фильмларини тақдим этдилар. «Москва кўз ёшига ишонмайди» деган совет фильми эўр муваффақият қозонди.

Кинокартиналарни кўриш билан бир қаторда томошабинлар фильмларнинг авторлари, режиссёрлар ва артистлар билан учрашдилар.

● **РИМ.** Италия республикасининг президенти А. Пертини христиан демократик партия миллий кенгашининг раиси Арнальдо Форланига Италиянинг янги ҳукуматини тузишни топширди. А. Форлани яқин вақт ичида парламент вакиллари бўлган партияларнинг раҳбарлари билан янги кабинетни тузиш тўғрисида маслаҳатлашиб олади. Янги кабинет 27 сентябрда истеъфо берган уч партияли ҳукуматнинг ўрнини эгаллаши керак.

● **ВАШИНГТОН.** Америкаининг таниқли обзорчиси Ч. Робертс Оқ уйнинг ҳозирги хўжайини Ж. Картерни «шармандаси чиққан президент» деб атади. Ж. Картернинг президентлик лавозимига сайланиши, деб ёзади у «Вашингтон пост» газетасида, бутунлай тескари натижа берди.

● **ЛУАНДА.** Ангола Халқ Республикасида мамлакат вилоятлари халқ мажлислари депутатлигига номзодлар рўйхати эълон қилинди. Улар орасида ишчилар синфи, деҳқонлар, революцион зиёлиларнинг энг яхши вакиллари бор.

(ТАСС).

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН ДЕБ

СССР мусулмонларининг замонамизнинг энг муҳим масалаларини, биринчи навбатда уруш ва тинчлик проблемаларини муҳокама этишга даъвати социалистик йўлни танлаб олган мамлакатлардан тортиб мўътадил режимлар деб аталмиш турли социал-сиёсий системалардаги мусулмон мамлакатларнинг орасида зўр қизиқиш уйғотди. Жазоир, Ливия, ЯХДР, Сурия мусулмонлари, айни пайтда Иордания, ЯАР, Сенегал, Судан, Туркия Тошкентга ўз делегатларини юборишди. Тошкентдаги ислом конференцияси ишида Осиё, Африка ва Европадаги жами 33 мамлакатнинг мусулон арбоблари иштирок этдилар. Чет эл делегацияларининг нечоғли ваколатли эканлиги диққатчи ўзига тортади. Улар составида министрлар, олий муфтилар, қози-калонлар, диний мусулмон партияларининг раҳбарлари, Қуддусни қутқариш комитетининг раиси, машҳур журналистлар бор эди.

Тошкент учрашувидаги чет эл меҳмонларининг олий ваколатли бўлганлиги, уларнинг конференция ишида актив иштирок этганлиги, муҳокамага киритилган масалаларнинг кенг қамровли бўлганлиги ушбу конференцияга характери ва кўлами жиҳатидан йирик халқаро анжуман тусини берди. Сурия, Ливия, Мавриония раҳбарларининг, бир қатор халқаро ташкилотлар раҳбарларининг конференция қатнашчиларига йўллаган табриклари ҳам шундан далолат беради. Баъзи проблемаларга турлича ёндашилганлигига қарамай, СССР мусулмонларининг меҳмонлари асосий нарсада якдиллик изҳор этдилар. Улар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси раиси муфти З. Э. Бобохоннинг «ҳозирги замондаги вазият барча тинчликсевар кучларнинг фаоллашувини, қуролланиш пойгасини тўхатиш, кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш учун, империалистик доираларга ва уларнинг гумашталарининг агрессив хатти-ҳаракатларига қарши курашда мусулмонлар ва яхши ниятли барча кишиларнинг таъсирчан ҳамкорлигини тақозо этади» деб айтган сўзларини қатъиян қўллаб-қувватладилар.

Совет ва чет эллик вакиллар конференцияда сўзлаган нутқларида ҳижрий йилномининг XIV асрини мусулмон халқларининг мустамлакачилик ва империализм зулмидан озод бўлиш, миллий мустақилликка эришиш эри бўлди деб таъкидладилар. Якинда ўз мамлакатларида истибдодга барҳам берган эрон ва афғон халқлари шаънига кўп саминий гаплар айтилди. Бунда Ғарб пропагандасининг Эрондаги ўзгаришлар ҳақида, Афғонистондаги мусулмонларнинг аҳволи тўғрисида, совет-афғон муносабатлари ҳақида нотўғри тушунчалар ҳосил қилишга интилаётганлигига эътибор жалб этилди. Тошкент конференциясида афғон делегацияси вакиллари иштирок этганлигининг ўзиёқ исломнинг антиимпериалистик бирдамлигини қўпориш йўлидаги сохтакорликларни рад этди. Афғонистон делегациясининг бошлиғи мавлавий М. Амин ва делегация аъзолари Апрель революциясининг янги босқичида Афғонистонда динга эътиқод қилиш тўла эркин эканлиги, диндорларга ҳукумат ҳар томонлама ёрдам бераётганлиги ҳақида сўзлаб беришди, ташқаридан уюштирилаётган контрреволюцияни даф этишда қўллаб-қувватлаётгани учун Совет Иттифоқига қизғин миннатдорчилик изҳор этишди. Жаҳонда юз бераётган жараёнларга баҳо бериш ҳамда ҳижрий XV асрни тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик асрига айлантириш юзасидан мусулмонларнинг вазифалари ислом анжуманининг тўртта якунловчи ҳужжатида ўз ифодасини топди.

Турли мамлакатлар мусулмонларининг вакиллари «Жаҳондаги барча мусулмонларга мурожаат»да мусулмон халкларининг ҳақиқий дўстлари ким-у, сохта дўстлари кимлигини аниқравшан кўрсатиб бердилар. Араб ва бошқа мусулмон халкларининг миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келаётганлиги учун Совет Иттифоқига чуқур миннатдорчилик изҳор этиб, улар Совет Иттифоқи бундан бўён ҳам халқаро майдондаги ўз таъсири ва обрў-эътиборидан Якин Шарқда ялпи ва адолатли тинчликни таъминлаш, Фаластин араб халкининг поймол этилган ҳуқуқларини тиклаш учун фойдаланади деб ишонч билдирдилар. Айни пайтда мурожаатда таъкидланадики, Америка империализми эндиликда ўзини ислом ҳимоячиси қилиб кўрсатиб, аслида эса мусулмон халкларининг, ислом давлатлари мустақил тараққиётининг ашаддий душмани, бу мамлакатлар аҳолиси ва табиий бойликларининг эксплуататори эканлигини ўтган ҳижрий асрнинг сўнгги ўн йилликлари якқол кўрсатиб берди.

АҚШнинг ҳукмрон доиралари, дейилади Мурожаатда, бошқа мамлакатлар ва халқларга ўз ҳукмронлигини ўтказишга уриниб, ер курраси ни юзлаб ҳарбий базаларга ўраб ташладилар, турли районларда агрессив ҳарбий блоклар тузмоқдалар. Ғарбий Европада янги ажал куроли турларини жойлаштирмоқдалар, инсониятга қарши қаратилган манфур «чегаралланган» ядро уруши деб аталмиш доктринани кўтариб чиқдилар.

Ислом анжумани иштирокчилари жаҳон мусулмонларини халқлар ўртасида нифоқ ва душманлик уругини сочаётган Америка империализми ва унинг гумашталари — НАТО раҳбарларининг, Исроилнинг сионист бошлиқлари ва пекинлик гегемончиларининг агрессив планларини барбод қилиш йўлида сиёсий қарашлари, ирқий ва миллий мансублиги, динидан қатъи назар, сайёрамиздаги барча тинчликсевар кучлар билан бирдамликни мустаҳкамлашга даъват этди.

Тошкент конференцияси қатнашчилари «Қуддуси шариф хусусида баёнот» деган махсус ҳужжат қабул қилдилар. Унда Қуддус Исроилнинг «Абадий ва бўлинмас» пойтахти деб эълон қилинганлиги қаҳр-ғазаб билан қораланади. Бу хатти-ҳаракатни на фақат ислом дунёсига, балки христиан дунёсига ҳам, БМТ ҳамда бутун халқаро жамоатчиликка ҳам қарши қаратилган даъдага деб баҳоладилар. Баёнотда таъкидландики, Исроилнинг Қуддуси шарифни аннексия қилганлигига фақат Фаластин халқининг ажралмас ҳуқуқларини тиклаш жараёни билан ва аввало унинг ўз диёрида мустақил давлат бунёд қилиш ҳуқуқини тиклаш билан барҳам бериш мумкин.

«Исроил агрессиясининг қурбонлари — Фаластин ва Ливан халқлари билан бирдамлик ҳақидаги баёнот» Тошкентда ўтказилган ислом анжуманида қабул қилинган яна бир ҳужжат бўлиб, у анжуман иштирокчиларининг Якин Шарқдаги портлаш хавфи мавжуд бўлиб турган вазиятни чуқур тушуниб тургانликларидан далолат беради. Тошкентдаги анжуманга тўпланган мусулмон арбоблар Исроилнинг Ливан ва Сурияга қарши янгидан кенг агрессия қилиш ниятини кўзда тутаётгани, Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати ва Ливан миллий ватанпарвар кучларини жисмоний жиҳатдан тутатишга, Ливанни бўлиб юбориш ҳамда Суриядаги прогрессив режимга раҳна солишга қаратилган хатти-ҳаракати нақадар хавфли эканлигига жаҳон жамоатчилиги диққат-эътиборини жалб этдилар. Улар Исроил экспансионизми унинг асосий иттифоқчиси — Америка империализми, АҚШнинг империячилик нафсониятларини кўзда тутувчи чуқур стратегия билан чамбарчас чирмашиб кетганлигини кўрсатдилар. Исроилнинг агрессивлиги, деб таъкидланади баёнотда, Садатнинг хоинлиги Кэмп-Дэвиддаги тил бириктириш ва бунинг оқибатида АҚШнинг Якин Шарқ ва Форс кўрфази районига ҳарбий суқилиб кириши, Исроил, Миср, Оммон ва Сомалида зудлик билан Америка ҳарбий базалари яратилаётганлиги туфайли авжига минмоқда.

Конференция қатнашчилари ер юзидаги барча мусулмонларни «империализмга қарши ва сионизмга қарши бирдамликдан иборат асосий қуролни чархлашга», Исроил ва унинг ҳомийларига таъсир кўрсатишнинг ҳамма воситаларидан фойдаланишга даъват этдилар. Тошкент конференциясини бойкот қилиш ташкилотчилари мусулмонлар қўлидан айни шу қуролни тортиб олмоқчи эдилар. Уларнинг мусулмонларнинг диндош совет биродарлари билан алоқа қилишига қарши чиққанларига келганда шуни айтиш керакки, бунинг заминида мусулмон халқларини энг мушкул дамларда кўп марталаб ёрдам кўлини чўзган, синалган ва ишончли дўстлари бўлган Совет Иттифоқидан ажратиш мақсади ётади. Империализм ва реакция кучларининг маккороча режалари мусулмонларнинг Тошкентда муваффақият билан ниҳоясига етган учрашувида фош этиб ташланди. Бу режалар ҳам буржуа пропагандасининг СССРда ислом ва мусулмонларнинг аҳволи ҳақида атайин тўқиб чиқарилган қатор уйдирмалари каби фош бўлди.

Чет эллик меҳмонлар мусулмонларнинг учрашувига ғоят қулай шарт-шароитлар яратиб берганлиги учун Совет ҳукуматига ва Ўзбекистон ССР ҳукуматига, конференция ишини ҳамда уларнинг СССРда бўлиш программасини ажойиб тарзда ташкил этганликлари учун Совет Иттифоқи мусулмонлари динил бошқармаларига самимий миннатдорчилик изҳор этдилар. Чет эллик мусулмон арбоблари мусулмон ташкилотларининг раҳбарлари билан ҳам, оддий номозхонлар билан ҳам мулоқатда бўлганларида Совет Шарқи диндорлари Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини мутлақо қўллаб-қувватлаётганликларига, уларнинг ватанпарварлигига, жонажон мамлакатлари вужудга келган дастлабки кунданоқ тинчлик ва ер юзида социал адолат учун курашаётганлигидан ифтихор туйғуларига тўлиб-тошганликларига ишонч ҳосил қилдилар. Улар экскурсияларда ва диндорларнинг жоме мачитларидаги номозхонликларда ўзлари учун яна бир янгиликни очдилар. Ғарбдаги Исломнинг сохта ҳимоячилари даъволарига зид ўлароқ Совет Иттифоқидаги мусулмон ёдгорликлари ва мачитлар намунали ҳолда сақланяпти, уларнинг кўплари давлат ҳимоясида бўлиб, давлат ҳисобига таъмир этилмоқда.

Бизнинг давримизда социализм мамлакатлари ҳамда социалистик йўлни танлаб олган мамлакатлар мусулмон руҳонийлари билан бир қаторда капиталистик тараққиёт йўлидан бораётган диний арбоблар ҳам империализмга қарши шиор остида бир сафга тўпланмоқдалар. Улар бирлашиб ва ўз атрофларига мусулмон диндорларнинг кенг оммасини жиплаштириб, замонамизнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга муносиб ҳиссаларини қўшишлари мумкин. Ер юзида мустаҳкам ва адолатли тинчликни таъминлаш ушбу проблемаларнинг энг ҳаётийсидир. Тошкентда ўтказилган ислом анжумани мусулмонларнинг антиимпериалистик кучларини янада жиплаштиришга, халқаро ҳаётда уларнинг таъсирини ўстиришга ёрдам берди. Унинг катта ижобий аҳамияти мана шундадир.

О. ВОЛГИН,
Тошкент — Москва.
(«Известия», 2 октябрь).

ПЕКИНДАГИ СУД МАЖЛИСИ ХУСУСИДА

Синьхуа агентлигининг бош директори Цзэн Тао Пекиндаги матбуот конференциясида халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитетининг Линь Бяо ва Цзян Цинларнинг «контрреволюцион гуруҳлари» иши юзасидан ўтказиладиган суд тартибига тааллуқли қарорини эълон қилди.

Айбланаётган ўн киши бу йил қабул қилинган жиноят қонуни асосида суд қилинади. Пекиндагилар Мао Цзэдунни ва унинг «ғоялари»ни аслида оқлаб кўрсатиш мақсадида сиёсий найрангбозлик қилишни кўзлаб, суд мажлисида «маданий революция» деб аталган машмашадаги жиноятларда Маонинг ва бутун маоизм меросининг ролини кўриб чиқишга йўл қўймай, бутун жавобгарликни Цзян Цин бошлиқ «тўртлар» шайкасига ва «Линь Бяо группаси»га тўнкашга уринмоқдалар. Бунинг устига Мао Цзэдуни қурбон сифатида тасвирланмоқда, Маонинг энг яқин кишилари ва унинг иродасини бевосита ижро этган айбланувчилар эса «фитналар» ташкил этган ва ҳатто «дарға» жонига қасд қилишга уринган кимсалар қилиб кўрсатилмоқда.

Айтишларича, суд «очиқ» бўлади — унда «вилоятларнинг, автоном районларнинг, марказга бўйсунувчи шаҳарларнинг, турли партиялар ва ташкилотларнинг, давлат органларининг, армиянинг вакиллари» ҳозир бўладилар. Бироқ улар ҳамма мажлисларда эмас, айрим мажлисларда қатнаштирилади, шу тариқа кейинги бир неча ўн йил мобайнида Хитой бошига тушган фожиали воқеалар тўғрисидаги ҳақиқат ошкор бўлиб қолишига йўл қўйилмайди. Чет эл журналистлари суд мажлисига киритилмаслиги маълум қилинди. (ТАСС).

Шу куннинг қаҳрамонлари

ҚОЯГА ЧИҚҚАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАЙДИ

САМАРҚАНД

— Эрдон, Қудрат, турингглар, кун ёйилиб кетди, — Усмон коржомаси тугмаларини қадаркан, тонгги салқинда жуғжиқиб қолган укаларини тортқилади. — Қани, бўла қолинглар, ҳаш-паш дегунча шудринг ҳам кўтарилиб кетади.

Кеча машинани жуда кеч, тун яримлаб қолганида тўхтатишган эди. Гулсум опанинг ҳай-ҳайлаганига ҳам қарамай, даладан чиқмаётган эдилар-у, аммо шудринг тушиб, ишнинг белига тепди. Чор-ночор бункерни тележкага бўштатиб, машинани ариқ лабида шохлари тарвақайлаган, чодирдай қораяйиб турган қари тол тагига «қантариш»га мажбур бўлишди. Эрдон билан Қудрат пича толиқиб қолишибди шекилли, бир зум мудраб ўтиришди-да, бригадир дастурхонга ўраб келган лагандаги ошга ҳам қарамай, сўрига ётиб олишди. «Майли, ухлаб олишсин, куни билан ишлаб чарчашди». Усмон ҳовуз сувини шалоплатиб ювиниб, сўрининг бир чеккасига чордона қурди. Тун осуда эди. Боятдан бери чириллаб ётган чигиртқалар ҳам шудрингдан сўнг жимиб қолишганди. Аллақаерда, узоқ-узоқларда пахта топшириб қайтаётган тракторнинг ўткир ёғдуси тун бағрини қиличдай ёриб, дашт ортига сингиб кетди. Осмонни тўлдирган юлдузлар ёғдуси бир зум хира тортгандай бўлди. Юлдузлар... Усмон ҳовуз ёқасидаги сўрида ёнбошлаганича ана шу юлдузлар оламига тикилиб ётишни жуда-жуда ёқтирарди. Унинг наздида булар осмон бетида милт-милт жимирлаб кўз қисишаётган юлдузлар эмас, ўзи кун бўйи машинаси устидан тикилавериб, кўзлари қамашадиган бодроқдек лўппи-лўппи чаноқлар эди, Усмон уларга қараб сира тўймасди. У бугун ҳам ана шу юлдузлар галасига тикиларкан, чўлга келган дастлабки кунларини хотирига келтирди.

...«Иттифоқ» колхозида ўн саккиз ёшидан тракторчилик қилиб, сочи оқарган Эсоч Мамадиёров ҳудди шу кунгидай фараҳли оқшомларнинг бирида йиғит етилган, уч ўтлини ёнига ўтказди-да, кўпдан бери юрагининг тўрида сақлаб келаётган ниятини ўртага ташлади.

— Болаларим, — деди у, — мен сизларни ҳеч нарсадан толиқтирмай ўстирдим. Ўқитдим — гулдай ҳунарли бўлдингилар. Тарбияладим — ҳозир колхознинг оқил йигитларидансизлар. Ўзим тракторчи эдим, сизлар ҳам шу касбни танлаганингиздан бошим осмонга етди. Аммо энди ажраладиган пайт келди. Деҳқоннинг марди бугун даштнинг бетини очиб, пахта етиштиряпти. Эндан орқада қолманглар. Сизларга айтадиган гапим ҳам, берадиган оталик насиҳатим ва йўл-йўриғим ҳам ана шу.

Усмон укалари билан бирга чўлга бориб ишлаши кўпдан бери орзу қилиб юрарди. Бу орзуси отасининг истаги билан амалга ошаётганидан ўзида йўқ қувониб кетди. Ялт этиб, Эрдон билан Қудратга қаради. Уларнинг ҳам мамнун бўлиб ўтирганини пайқади-да, қўлини кўксига қўйди:

— Ишончингиз учун раҳмат, ота. Рухсат берсангиз шу ҳафтадаёқ чўлга кўчишнинг ҳаракатини қиламиз.

Илгари Оқтошдан қичқирса эшитгудай бир жойда бепоён даштлик бўларди. Район қишлоқ хўжалик ходимлари қурултойида шу ерни ўзлаштиришга, пахтазорга айлантиришга карор қилинган эди. 1976 йилнинг қиш-қировли кунларида теварак атрофдаги колхозлардан «даштнинг бетини очадиган» мардлар отланиб, шу ерга кўчиб кела бошлади. Чодирлар тикилди, муваққат вагончалар келтирилди. Янги хўжаликларнинг чегаралари белгиланди. Шу тарика даштда Ислом шоир номли янги совхоз вужудга келди.

Йилт этиб баҳор келиши билан Усмон билан унинг икки укаси биринчи бўлиб дашт бағрига плуг солишди. Уч оға-ини яна биринчи бўлиб шу ерга чигит экишди, ғўза қатор ораларига ишлов беришди. Куз келиб, пахта бодроқдек бодирлаб очилган кунларда «зангори кема»ларини эгатларга олиб киришди. Ана ўша серташвиш кунларга ҳам беш йил тўлибди. Совхоз кучга тўлиб, ҳосили ошаборгани сингари йигитларнинг ҳам тажрибаси ошиб, бутун районда кимсан — ака-ука Мамадиёровлар бўлиб танилиб қолишди. Айниқса, Усмон ўзининг оқиллиги, меҳнатсеварлиги билан катта обрў қозонда, тажрибали чўлқуварга эмас, Самарқанд областида номи чиққан механизатор бўлиб ҳам донг таратди. Ўтган йили область бўйича энг кўп пахта териб, социалистик мусобақада илғорлик қилганлардан бири ана шу Усмон Мамадиёров бўлди. Нарпайиклар унинг меҳнатини, чўлдаги жасоратини инобатга олиб, СССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар.

Бу йилнинг кузи Усмонжоннинг хотиридан сира чиқмайдиган куз бўлди. Совхознинг тажрибали пахтакорлари айтганидай, даштда деҳқончилик қилина бошланганидан бери сира бунчалик кўп ҳосил етиштирилмаган эди. Дарҳақиқат, Ислом шоир номли совхознинг 3170 гектардан кўпроқ пахтазорини кўздан кечирган киши шунга ишонч ҳосил қилади. Шунинг учунми ёки мавсумга пухта тайёргарлик кўрганиданми, ишқилиб, машиналар ёппасига ишга тушган биринчи кундаёқ совхозда овоза бўлган воқеа Нарпайдан ўтиб, Самарқандгача бориб етди: Усмонжон Мамадиёров тўрт қаторли машинаси билан бир кунда 20 тонна пахта терибди! Ҳаммаларнинг қулоғи Ислом шоир номли совхозда бўлиб қолди. Усмонни таниган, билган одамлар «отасига раҳмат, ажойиб механизатор бўлди, ҳали кўрарсизлар, бундан ҳам кўп пахта теради», дейишса, баъзилар бу гапларга ишонгиси келмасди. Нарпайнинг ва ҳатто кўни-қўшни районларнинг колхоз ва совхозларидан синчковлаб келиб, унинг пахта теришини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилиб қайтган ҳамкасблари ҳам бўлди.

Бироқ бундан кейинги воқеалар кишиларни яна ёқа ушлатди. Мамадиёров терим суръатини оширгандан ошира бориб, кунига бункердан 22—25 тонна пахта бўшата бошлади. Ҳа-ҳу дегунча мавсум бошида олган 600 тонналик мажбуриятини ҳам яримлатиб қўйди. Эрдон билан Қудратнинг терган пахтаси ҳам 100—150 тоннани қоралаб қолди. Ана шу тарика бир оила аъзоларидан иборат терим отрядининг янги мажбурияти вужудга келди: Усмон мавсумда 600 тонна пахта терса, Эрдон билан Қудрат 400 тонна, жъами 1000 тонна «оқ олтин» теришга ахд қилишди. Ҳозир ўзлари аъзо бўлган Гулсум Номозова бошлиқ бригаданинг 120 гектар майдонида биринчи теримни тугаллаб, кўшни бригадага ўтиб ишлашяпти. Улар пахта терган бригада шу куни кунлик суръатда совхозда олдинги ўринга чиқиб оляпти.

— Мамадиёровлар туфайли бригадамиз ҳар куни йиллик планнинг 7 — 8 процента миқдорида пахта топширяпти, — сухбат мазмуни ака-ука механизаторлар ҳақида борганида Гулсум Номозова тилидан бол томизиб гапирди. —120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топширмоқчимиз. Планни бажариб, довон ошай деб қолдик. Гапнинг рости, шунча пахтани етиштирган ҳам, ҳосилини териб саранжомлаб бераётган ҳам Усмон Мамадиёров бошлиқ механизаторлар бўлишяпти.

Гулсум опа ҳақ гапни айтди. Совхоз пахта йиғим-теримни тездирини бугун. Усмон сингари касбига меҳр қўйган тажрибали механизаторлар ҳал қилишмоқда. 62 та машинанинг ҳар бири билан бир кунда терилаётган пахта ўртача 5—6 тоннадан тўғри келяпти. Усмон Мамадиёровнинг ташаббусига қўшилган Ўроқ Раҳматуллаев куни кеча 12 тонна пахта терганлиги ҳақида яна бир хушхабар тарқалган эди. У билан бирга ишлаётган Абдуразоқ Норқулов ва Нурулла Очиловлар ҳам шу кўрсаткичга эришганлиги ҳақида совхоз радиоузелидан эълон қилинди.

— Пахта йиғим-теримида ипатоволиклар тажрибаси айниқса қўл келяпти, —совхоз директори Бобониёз Қиличев тунов куни бўлиб ўтган йиғилишда шундай деди. — 62 та терим машинасини 10 та отрядга бўлганмиз, уларга етарли миқдорда транспорт ва сув ташийдиган техника воситалари, кўчма ремонт устахоналари ҳам бириктирилди. Механизаторларнинг баракали меҳнати туфайли ҳар куни беш процент миқдорида пахта топширяпмиз. КПСС XXVI съезди шарафига йиллик пахта тайёрлаш планини 1,5 баравар қилиб бажаришга қарор қилганмиз.

Ҳа, қояга чиққан чўққини кўзлайди. Пахта йиғим-терими комплекс механизациялаштан бу хўжалик коллективи маррага тобора яқинлашиб боряпти. Пахтазорда ҳали ҳосил кўп. Сергайрат механизаторлар албатта ваъдага вафо қилиб, кўзлаган мақсадига етадилар.

...Эрдан шудринг кўтарилиши билан машиналар гуриллаб иш бошлаб юборди. Бункерларга оппоқ шалола қуйила бошлади. Олдинда пештоқига мусобақа илғори рамзи бўлган Қизил вимпел тақилган Усмон Мамадиёровнинг «зангори кема»си сузиб бормоқда. У бугун 30 тонналик маррани кўзлаб ишга чиққан. Қудрат билан Эрдон ҳам ҳар бири 10 тоннадан «оқ олтин» теришни кўзлашяпти. Ҳа, шундай. Бу уч оғайни ботирларнинг парвози баланд, юксак чўққилар сари интилиб бормоқдалар.

Р. ТУРСУНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: механик-ҳайдовчи Усмон Мамадиёров.

Т. Норқулов фотосн.

ШУКУР БУРХОНОВ

70 ЁШДА

САҲНАМИЗ САРВАРИ

Шукур Бурхонов туғма санъаткор, ноёб истеъдод соҳиби. Кечагидек эсимда. У театримизга қадам қўйган биринчи кунидан ўз устозлари — М. Уйғур, Е. Бобожонов, А. Ҳидоятовлар унинг ана шу фазилатига алоҳида эътибор бердилар, меҳр билан эъзозладилар. Ана шу туғма лаёқатга қомати ва идрокининг мослиги Шукур Бурхоновга театрда жуда тез ўрнини белгилаб олишга имкон берди. Чунончи, ҳеч қандай махсус театр илмини ўрганмаган ёш йигитнинг коллектив орасида ишлай бошлашига уч йил ўтмаёқ, 1931 йили Лопе де Веганинг «Қўзибулоқ қишлоғи» трагедиясида Фрондосо ролини ўша кезлардаёқ «улуғ ўзбек артисти» деб ном олган Аброр Ҳидоятов билан бирга олиб чиқиши ва жамоатчилик меҳрини қозониши ўзига хос мўъжиза эди. Ана шу спектаклдан бошлабоқ Шукур Бурхонов Аброр Ҳидоятовнинг иқдоси шогирди, асосий ролларнинг мунтазам ижрочисига айлана борди.

Драматург У. Исмоиловнинг 1934 йили саҳналаштирилган «Рустам» пьесаси томошабинлар орасида катта довруққа сабаб бўлган эди. Шу спектакль халқнинг талаби билан ёзги биноимизда ўн кун муттасил қўйилгани ҳамон эсимда. Қизиғи шундаки, бир спектаклнинг ўзида Рустам ролини бир хил гримм ва костюмда Аброр Ҳидоятов ва Шукур Бурхонов саҳнама-саҳна алмашиб ижро этардилар. Бу тугма истеъдод деб тан олинган шогирднинг устози билан машқи, мусобақаси ва етуклика имтиҳони эди. Имтиҳондан сўнг Аброр Ҳидоятов Рустам ролини Шукур Бурхоновга бутунлай топширди. Мазкур ҳодиса Шукур Бурхонов камолотга эришганининг коллектив ва устозлар ишончини қозонганининг далили эди.

«Рустам» спектаклидан кейин Шукур Бурхонов бош ролларни мустақил, бир ўзи тайёрлайдиган бўлиб қолди. «Номус ва муҳаббат» спектаклида у ижро этган Ғуломжон роли артистнинг биринчи йирик мустақил иши эди. Онахон роли менга топширилган бўлиб, янги оила, эр ва хотин номуси ҳамда муҳаббати учун ҳар иккимиз курашардик.

Шу роль сабаб бўлиб, мен Шукур Бурхоновни яқиндан-яқин бошладим. У ўта изланувчан эди, иштиёқ билан меҳнат қиларди. Одатда, артистлик касби кўп меҳнат, риёзат чекишни талаб қилади. Шукур Бурхонов билан ишлаган партнёр кўп ишлайди-ю, лекин меҳнат риёзатини сезмайди. Унинг ўзи эса, репетиция даврида ролдан бошқа ҳамма нарсани бутунлай унутади. У билан ҳамнафас артистлар ишга тамоман сафарбар этилган ҳолатда бўлиши лозим. «Номус ва муҳаббат» спектаклини мана шундай фидойилик билан ишладик. Кўпинча Шукур Бурхонов, мен ва Яхшибой ролини бетакрор ижро этган Саъдихон Табибуллаев спектаклдан кейин қолиб, бетиним ишлар эдик. Натижада Шукур Бурхонов замоннинг қайтадан шаклланаётган қаҳрамони — Ғуломжонни мураккаб характерини яратиб берди. Унинг Ғуломжони кўнгли пок, ғурури баланд одам. Лекин лақма. Дўстдан душманни яхши фарқ қилмай, янги ҳаёт ва оиласининг мухолифи. Яхшибойнинг сўзига чиппа-чин ишонади. Артист бу образ талқинида қаҳрамоннинг ҳолатини чизиш билан баробар унинг ички туйғуларини очишга кўпроқ ҳаракат қилди. Унинг сўзлари билан ҳолати орасида осмон билан ерча фарқ бор бўлиб, дилининг таржимони дили эмас, балки сермаъно ҳолати эди.

Шукур Бурхоновнинг Ғуломжондан кейинги энг катта ютуғи сўзсиз 1939 йилда қўйилган «Бой ила хизматчи» спектаклидаги Ғофир роли бўлди. Гарчи, унинг Ғофири талқин принципи, костюм, гримм, мизансценалари билан Аброр Ҳидоятовникидан фарқ қилмасада, баъзи жиҳатлари билан бошқа одам эди. Аброр Ҳидоятов Ғофири ўйчан ва зукко. Шукур Бурхоновнинг Ғофири эса, оташин ва сўзамол. Шукур Бурхонов кўпроқ қалбига кулоқ солиб, унинг амри билан иш тутарди.

Шукур Бурхоновнинг учинчи бир ажойиб иши — «Муқанна» спектаклидан босқинчи, қонхўр араб саркардаси Сайидбаттол роли ҳақида гапирмай ўтолмайман. Мана шу образ Шукур Бурхонов ижодий имкониятларининг чексизлигини, маҳорат ва ижро техникасининг нечоғли пухталигини янада ёрқиноқ кўрсатди. Масалан, Муқаннанинг Гулойимга уйланиш саҳнасидаги Сайидбаттол ҳолати ғоятда маънодор, қиличбозлик санъати эса ғўзал эди. Бурхоновнинг Сайидбаттоли кучқудратли, талантли, лекин унинг бу сифатлари яхшилик ёки эзгуликка эмас, зўрлик ва зулмга хизмат қилади.

«Ромео ва Жульетта»да Шукур Бурхонов Ромео образи устида қандай мароқ ва ташналик билан ишлаганини ҳам айтиш керак. Спектакль иштирокчиларининг ҳаммаси, шу жумладан, Жульетта ролини ижро этувчи мен ва режиссёр А. Гинзбург катта умидлар билан ишга киришдик. Репетицияларда партнёрим Шукур Бурхонов ичи тўлиб турган вулқонга ўхшарди. Аммо у портлаб отилолмасди. Сабаби — таржима кўнгилдагидек равон чиқмаган бўлиб, сўзлар ҳолатимизга мос жаранглама, зарбли нуқталар кам эди. Аксига олиб, декорация ва режиссура партитураси ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Масалан, муҳим ҳисоблаганимиз — Ромеонинг Жульетта билан учрашуви саҳнасида балкон паст ва ноқулай ишланган бўлиб, биз ўйлаган мизансцена ва ҳаракатларга имкон бермасди. Ромео образининг талқини Шукур Бурхонов учун катта сабоқ бўлди. Шундан кейин у роль ўйнайдиган бўлса, биринчи навбатда текстни кўздан кечирадиган бўлиб қолди.

Шукур Бурхонов бош роллар ижрочиси сифатида шуҳрат қозонган бўлса-да, ижодида эпизодик характердаги образлар ҳам йўқ эмас. Лекин артист улар устида шундай ишлайдики, натижада роль ўзининг салмоғи, чиройи, энг муҳими, талқини билан ҳатто бош қаҳрамонлардан ўзиб кетади. Масалан, «Туркия ҳақида ҳикоя» (Н. Ҳикмат асари) спектаклидаги Сотилишни олайлик. У фақат бир картинада қатнашади. Аммо актёр бутун бир мамлакат, халқнинг типик қаҳрамони бўлиб, унинг орзуси ҳамда интилишларини нозик, лирик ва драматик пардаларда кўрсатиб берди. Мен Шукур Бурхонов ҳақида ўйласам, шу образ ҳеч ҳаёлимдан нари кетмайди.

Санъаткор қаҳрамонлари орасида доҳий В. И. Ленин, Брут, Мирзо Улуғбек ва Эдип алоҳида ажралиб туради. Мазкур ролларни Шукур Бурхонов қандай ижро этганини халқ жуда яхши билгани ва машҳур санъаткорлар, театршуносларнинг эътирофларини ҳам алқаш-чон ўқигани учун бу ўринда бирор нарса дейишни ортиқча деб биламан.

Мен севимли санъаткоримизнинг юбилей кунида унга хос бетакрор хислатларни таъкидлашни жуда-жуда истайман. Чунки, унинг бу фазилатлари актёрлар, хусусан, ёшлар учун ғоятда ибратли. Шукур Бурхонов кам роль ижро этади, лекин кўп ютуққа эришади. Ролга, ўз навбатида ўзига ниҳоятда талабчан. Режиссёр роль тавсия қилса, аввал ўзининг ролга, кейин ролнинг ўзига муносиб-номунослиги ҳақида ўйлаб кўрадиг. Роль устида ойлаб, ҳатто йиллаб ишлайди. Репетицияларни қонун деб билади.

Ҳа, бизнинг фахримиз, театр ва кино санъатимизнинг ёркин юлдузи СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Шукур Бурхонов ана шундай санъаткор! Унга шон-шарафлар ёр бўлсин, сиҳат-саломатлик, узоқ йиллар умр тилаймиз.

Сора ЭШОНТЎРАЕВА,
СССР халқ артисти,
СССР Давлат мукофоти лауреати.

ХОРАЗМ

ВАЪДАГА ВАФО

Репортаж

Биз Дармонжон билан дала шийпонида учрашдик.

— Кечаги рекордингиз билан табриклаймиз! Ҳазилакам кўрсаткич эмас: 350 килограмм! Кўп пахта теришнинг «сири» тўғрисида гапириб берсангиз.

— Раҳмат! — деди у ва андак истиҳола қилди. Сўнгра давом этди. — Тўғриси, буни айтиб беришдан кўра, териб кўрсатиш мен учун осонроқ. Кўп териш учун вақтни қадрлаш, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш керак. Унумдорлик маҳоратга, ваққонликка ҳам боғлиқ, албатта.

Чамаси, ўй далага шошилаётганди. Бирга пахтазорга отландик. Биз ҳам этак боғладик. Териш билан теришда тафовут катта экан. Дармонжон ва унинг дугоналари билан бир соатга яқин ёнма-ён ишлаб, биз бунга қаноат ҳосил қилдик. Сутдек тошиб турган оппоқ лўппи пахтани чаноқлардан икки қўллаб олиб, этакларга солишдаги тезкорлик ва абжирлик таҳсига лойиқ эди. Бармоқларни бу тарика тезликка ўргатгунча улар озмунча машқ қилишмагандир. Қўллар пастдан юқорига томон илдам ҳаракат қилиб, чаноқлар бир зумда бўшаб қоларди. Хуллас, биз ярим этак пахта тергунча Дармонжон этакни икки марта тўлдиришга улгурди.

— Тан бердик, теримда ҳақиқий чемпион экансиз. Бугун ҳам уч юз элликдан кам бўлмаса керак.

— Пахта яхши очилган. Кечагидан оширарман деган умиддаман. Буёғини тарози кўрсатади, — деди Дармонжон ва эгатга шўнғиб кетди.

Қўшкўпир районидаги «Коммунизм» колхозининг кўпминг килограммчи теримчиси Дармонжон Давлатованинг шу кунининг қаҳрамонидеса бўлади. У теримда жонбозлик кўрсатиб, ҳар куни 4,5—5 норма бажармоқда. Дармонжон кунлик кўрсаткични 350 килограммдан оширди. Мавсум топширигини аллақачон уддалаб, мусобақада голибликни эгаллади.

Областда бундай пешқадам теримчилар сафи кенгайиб бормоқда. Гурлан районидаги «Қорақалпоғистон» колхозининг донгдор теримчиси Гулчеҳра Авазова кунлик кўрсаткични 300 килограммга етказди. Ҳозирга қадар у беш тонна дурдона йиғиб, мавсум нормасини адо этди.

Хирмонга баракали ҳисса қўшиш оила шарафини улуғлаш рамзи, ватанпарварлик ва интернационал бурча садоқат тимсоли бўлиб қолди. Янгиариқ районидаги «1 Май» колхозида тўрт опасингил Санамжон, Зумрад, Гулистон ва Олмахон Бекжоновалар хирмонга ҳар куни бир тоннага етказиб «оқ олтин» тўкишяпти. Хива районидаги Ленин номли колхозда опа-сингил теримчилар Ойимжон, Қурбонжон ва Сорахон Юсуповаларнинг довруғи бутун районга таралди. Уларнинг ҳар бири кунига уч норма бажаришяпти.

Хоразмлик кўпминг килограммчилар КПСС XXVI съезди шарафига юксак мажбуриятлар олиб, ўз сўзларини амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар. Улар ўз ваъдаларига вафо қилишади.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Сиз суратда кўриб турган Садбаррхон Исломова Бувайда районидаги Карл Маркс номли колхознинг чевар теримчиларидан саналади. У мавсумда 12 тонна пахта териб бериш мажбуриятини қабул қилган.

Н. Шерматов фотоси.

НОЗ-НЕЪМАТЛАР ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ФАРҒОНА

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига социалистик мусобақага қўшилган Киров районининг (Фарғона области) соҳибкор, боғбонлари дастлабки меҳнат ғалабасига эришдилар. Давлатга сабзавот, узум, ҳўл мева ва полиз маҳсулотлари сотиш юзасидан 1980 йил учун белгиланган план 27 сентябрда бажарилди. Шаҳарликлар дастурхонига пландаги 3797 тонна ўрнига 4410 тонна сабзавот, 3070 тонна ўрнига 3470 тонна полиз маҳсулотлари етказиб берилди.

Район боғ ва токзорларида ҳам мўл ҳосил етиштирилиб, эл дастурхонига 2168 тонна ҳўл мева, 1000 тонна узум тортиқ қилинди.

Шу кунларда район соҳибкор, боғбонлари далалардаги қолган ҳосилни тезкорлик билан йиғиштириб олмоқдалар.

ЖИЗЗАХ

Бахмал районининг соҳибкорлари давлатга 11 минг тонна узум топшириб, бу соҳадаги йиллик планни оширишда бажардилар. Катта ғалабага «Партия XXIII съезди», «Гулбулоғ», «Партия XXIV съезди» совхозлари боғбонлари катта ҳисса қўшдилар. Меҳнат Қизил Байроқ ордени Сулаймон Фармонов, Ҳазратқул Болтабоев, Мурод Тиллавов, Саидбой Шодмонов, Ҳудойқул Абдурасулов ўртоқлар бошлиқ бўлим ва бригадаларда узум ҳосилдорлиги 65—70 центнерни ташкил этди.

Бахмалликлар эл дастурхонига яна 7 минг тонна узум етказиб бериш ҳамда минг тонна майиз тайёрлаша бел боғладилар.

Совхозимиз шоли етиштиришга ихтисослаштирилган. Шоликорларимиз ўтган йили ҳар гектар майдондан 32 центнердан хирмон кўтарган эдилар. Улар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига мусобақани кучайтириб, бу йил 2.500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 40 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил олишга аҳд қилдилар. Ҳамма майдонларда шунга етарли сарф-дон етиштирилди.

Ўрим-йиғим қизғин давом этмоқда. Дастлабки кундан бошлабоқ тахтакўпирликлар ташаббуси асосида ҳар бирида 6-7 комбайн, 4 жатка, 4 трактор транспорти, 12 тележкадан иборат олтита ўрим-транспорт отрядини ишга туширдик. Уларнинг ҳар бирига кунлик, беш кунлик графиклар берилди. Ҳар беш кунда қилинган ишларга якун ясалиб, мусобақа ғолиблари рағбатлантирилмоқда. Шу кунларда шолипояларда 57 комбайн юқори унум билан ишлатилиб, кунлик график ортиғи билан бажариляпти. Ўрим бошланган дастлабки кунларда давлат тайёрлов пунктига 250 тонна атрофида «марварид дон» топширилган бўлса, шу кунларда 450-500 тонна шоли топшириляпти. Бу шоликорларимиз съездлар шарафига мусобақани тобора кучайтираётганини кўрсатади.

Азамат комбайнчиларимиз бор ҳосилни тезроқ ўриб-янчиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Дарғаларимиздан Усмон Ҳасанов, Ўринбек Жонизоқов, Александр Бурдаков, Тоғайбек Меров, Ўрозбой Саржоновлар бир сменада икки смена нормасига тенг дала ишларини бажармоқдалар. Ўрилган донни янчиш, тозалаш, давлат стандарти даражасига келтириш, тайёрлов пунктига фақат аъло нав шоли жўнатиш бутун коллективимизнинг жонажон ишига айланди. Тажрибали комбайнчиларимиздан Михаил Крайнов бу йил мавсумда ўз агрегати билан 800 тонна шоли ўриб янчишга сўз берган эди. У сўзининг устидан чиқиш учун кунларни тунларга улаб пешана тери тўкяпти, тобора юксак марра сари яқинлашяпти. Совхозимиз бўйича ҳар бир комбайн билан кунига кўзда тутилган 1,5-2 гектар ўрнига 2,5-3 гектар майдоннинг шолиси ўриляпти.

Совхоз дирекцияси ва партия комитети шоли ўрим-йиғимини тахтакўпирликлар методи асосида ташкил этиб, узоғи билан 20 октябргача тўла тугаллашга қаратилган тадбирлар белгилади. Хўжалик йилини пландаги 10 минг тонна ўрнига 12.500 тонна шоли тайёрлаш билан якунлаймиз.

Бундай дейишимизга етарли асос бор. Бозорбой Соғинбоев, Антон Ан, Сергей Пак, Бозорбой, Раҳмонов, Шариф Хонтўраев, Абдуваҳоб Умматовлар сингари ҳосил усталари бошлиқ бригаталаримиз ҳосилдорликда рекорд кўрсаткичга эришилган йилга айлантирамиз.

Б. МАМАНОВ,
Сирдарё районидаги «Шоликор» совхози директори.

СИРДАРЁ

ТАХТАКЎПИРЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ

СУРХОНДАРЁ

ОИЛАВИЙ ЭКИПАЖ

Шеробод районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг М. Расулов бошлиқ бригадаси 60 гектар майдонинг ҳар гектаридан бу йил пландаги 25 центнер ўрнига 50 центнердан пахта етиштиришга бел боғлаган. Бу ерда ҳосилнинг 95 процентини машиналарда йиғиб-териб олиш чора-тадбирлари белгиланиб, механизаторлар иш бошладилар. Ҳозир бригадада машина терими қизғин давом этмоқда. Оилавий экипаж аъзолари Мамараҳим ва Раим Расуловлар, Қулсоат ва Шоғўлат Тўрановлар биринчи бўлиб «зангори кема»ларни пахтазорга олиб кирган эдилар. Улар мавсумда 350 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилишган. Шу кунларда уларнинг ҳар бири 10—15 тоннадан пахта термоқдалар.

— Биринчи теримдаёқ пахта тайёрлаш йиллик планини бажардик. Иккинчи теримда мажбуриятимизни уддалаймиз. Шунда ҳосилдорлик 50 центнерга етади, — дейди бригада бошлиғи М. Расулов.

Бригадада пахта йиғим-терими кундан-кунга қизғин тус олмоқда. Оилавий экипажлар ўртасидаги социалистик мусобақада Қулсоат ва Шоғўлат Тўрановлар пешқадамлик қилмоқда.

МЕҲР-МУҲАББАТ ЮКСАКЛИГИ

Яқинда бўлган телеэшиттириш сўнггида Шукур Бурхонов «Мен ҳаётимда уч нарсага амал қилдим: касбга меҳру муҳаббат, қаттиқ интизом ва халққа яқинлик. Биз актёрларнинг ҳам табиблар сингари ўз қасамимиз бор. Мен шу йўлдан келдим, шу йўлдан кетай», деганида беихтиёр киши кўзига ёш келади. Одатда бундай ҳолат ҳақиқий санъат асаридан таъсирланганда содир бўлади. Шунда беихтиёр ижодкор шахси ҳақида ўйлай бошладим. Инсон самимияти билан ҳам инсон қалбини ларзага солар экан. Шукур ака шу сиҳатида таъкидлаган «санъатда халққа яқинлик» деган гапни мен ерга яқинлик деб тушундим. Дарвоқе, Шукур Бурхоновни санъатимизнинг юксак чўққисига кўтарган омил ҳам у кишининг инсон ҳаётининг асоси — она ерга яқинлигидир. У кишининг теран, вазмин ва бегубор қиёфасидан азим тоғлар салобатини, даштларимиз бағри кенглигини ва дарёларимиз сокинлигини ўқиш мумкин.

Табиат, санъат ва спортни тўла-тўкис ҳақиқат дегим келади. Бунга яна талант деб аталмиш ақл ва туйғунинг (имъикоси) ноёб мевасини ҳам қўшиш керак. Талантни даоё деб билсак, у ҳалоллик, покизалик чўққиларидан бошланади. Бу эса кўпчилик тан олган тушунча — ҳақиқатдир. Ҳар даврнинг ўз ҳақиқати бор. Бу тушунча ер ва инсон ўртасидаги асрий муносабатлар воситасида яралиб, барҳам топиб, келган ва такрорланаверади.

Табиатнинг талантли инсонлари ана шу асрий муносабатларни келажакка, борлиқ ва мавжудотнинг гуллаб яшнашига, авлодлар бахти саодатига боқий бахшида эта олган буюклардир. Севимли Шукур ака Бурхонов ана шундай — дунёга келиб, фақат талант ва меҳнат дея аталган қуроли орқали нимаики топган бўлса она элимизга, она еримизга қўш қўллаб ва қўш қалблаб тутган улуғ инсон ва буюк санъаткордир.

Ўзбек санъатининг сўнмас юлдузи Аброр Ҳидоятов юрагида ўша тенгсиз Отелло муҳаббатидек юксак муҳаббат бор эди. Шунинг учун ҳам ўзбек саҳнаси ўзининг бетакрор Отеллосини ярата олди. Шукур Бурхоновнинг юраги ҳам Юсуф Ялангтўш юрагидек эл-юрт ва эзгулик ташвишида уради. Ана шу меҳру муҳаббат Шукур Бурхоновни том маънода она ер ва эл қўйчиси даражасига кўтарди. «Инсонларга бўлган меҳру муҳаббат шундай қудратли қанотки, у кишини ҳаммадан юксакка кўтаради» деган эди буюк пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горький. Шукур Бурхонов ҳозир эл меҳру муҳаббатининг ана шу юксаклигида. У киши шу юксакликда санъатимиз тараққиётининг заҳматкаши, жонкуяри, илҳомчиси ва устози бўлиб қолажак.

Нурали ҚОБУЛ.

Урганч шаҳрида болалар боғча-яслилари ва мактаблар тармоғи йил сайин кенгайиб бормоқда. Унинчи беш йиллиннинг ўтган даври мобайнидагина бу ерда саккиз минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари ва мактаблар бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яқинда 260 ўринли болалар боғчаси иш бошлади. Суратда: болаларга байрам—боғча очилди!

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

6—12 ОКТЯБРЬ

6 ОКТЯБРЬ ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 10.45— Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.45 — Здоровье. 12.30 — Тонгги почта. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Қуёш омборхонаси. 15.25 — Умид стартлари. 15.55 — Концерт. 16.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.20 — Бош конструктор. Бадиий фильм, 2-серия. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильм. 19.30 — ГДР телевидениесининг программаси. 21.30 — Время. 22.05 —80-йил қўшиқлари. 23.00 — Ҳужжатли фильмлар. 23.35 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Концерт. 10.50 — Даврг, олга бос. Бадиий фильм, 1-серия. 12.05 — Қувноқ стартлар. 13.05 — Фильм-концерт. 13.30 — Шахмат мактаби. 13.55 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — Концерт. 19.05— Эртага—СССР Конституцияси куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Цирк (Давоми). 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20— Муҳаббат ва ғазаб. Бадиий фильм. 23.45 — Бугун оламда нима гап.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Область далаларида. 20.55 — Ҳужжатли фильмлар. 22.10 — Қотиб қолган чақмоқлар. Бадиий фильм, 1-серия.

7 ОКТЯБРЬ СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Будильник. 10.30 — Бахтли болалик. 11.00 — Бугун —СССР Конституцияси куни. 12.15 — Фильм-концерт. 12.25— Ҳужжатли фильм. 13.15 — Адабий суҳбатлар. 14.10 — Кичик машинистнинг катта сафари. Бадиий фильм. 15.15 — Симфоник увертюра. 15.30 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Концерт. 16.35 — Аср бошида. Бадиий фильм. 18.00 — Хоккей. СКА (Л) — «Спартак». 20.15 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 20.30 — Цирк майдонида. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.25 — Ҳужжатли фильм. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Партияга таъзим қиламан. 10.40 — Фильм-концерт. 11.05 — Даврг, олга бос. Бадиий фильм, 2-серия. 12.25 — Бастакорнинг куйлайман. 13.10 — Спорт гимнастикаси. Республика Министрлар Совети совғаси учун. 18.10 — Болалар учун фильм. 18.20 — Сўз кетидан сўз келар. 18.40 — Адабий музикали композиция. 19.10 — Менинг Ўзбекистоним. Видеофильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.10 — Ҳужжатли фильм.

II.

20.05 — Болалар учун телеспектакль. 20.15 — Фильм-концерт. 22.00 — Қотиб қолган чақмоқлар. Бадиий фильм, 2-серия.

8 ОКТЯБРЬ ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Аср бошида. Бадиий фильм. 11.30 — Ҳайвонот оламида. 12.30 — Концерт. 13.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Онамларнинг мактаби. 16.45 — Рус тили. 17.15 — Халқ оҳанглари. 17.35 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — Горнчилар, қаердасиз! 18.50 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 19.20 — Концерт. 19.50 — Тергович билимдонлар олиб борадилар. 14-иш. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Театр ва замон.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ёзувчилар — болаларга. 12.30 — Ботаника. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Дастлабки пионер гулханларининг алангаси. 19.05 — Партия турмуши. 19.30 — Ахборот. 19.45 — С. Аҳмад. Уч новелла. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Севги ҳақида афсона. Спектакль. Танаффусда — Бугун оламда нима гап.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.20— Фильм-концерт. 21.05 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.35 — Телефильм. 22.05 — Эгнар чашмаси. Бадиий фильм.

9 ОКТЯБРЬ ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Тергович билимдонлар олиб борадилар. 14-иш, 1-серия. 11.45 — Моҳир қўллар. 12.15 — Симфоник миниатюралар. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар. 16.50 — Итальян симфонилси. 17.15 — Шахмат мактаби. 17.45 —Мамлакатимиз далаларида. 18.00— Концерт. 18.45 — Ленин номи билан. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Л. Снегирёва ижро этади. 19.55 — Тергович билимдонлар олиб борадилар. 14-иш, 2-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. ЦСКА — «Динамо» (Тб). Танаффусда —Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.00 — Мультфильм. 18.10 — Ёшлик. 18.40 — 1980 йил планини 7 ноябрга бажарамиз. 19.00 — Футбол. «Пахтакор» — «Локомотив». Танаффусда — Ахборот. 20.50 — Ахборот. 21.10 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.00— Хирмонингизга барака. 22.15— Актёрлар ва роллар.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Янги урф-одатлар турмушга. 20.55 — Реклама. 21.05— Ўқитувчи экрани. 21.35 — Телефильм. 22.05 — Композитор Иоганн Штраус. Бадиий фильм.

10 ОКТЯБРЬ ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Тергович билимдонлар олиб борадилар. 14-иш, 2-серия. 11.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.45 — Кўргазмадан расмлар. 13.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.30 — Концерт. 16.20 — Москваликлар партия съездига. 16.50 — Қачон қор ёғади. Телеспектакль. 18.05 — Ҳужжатли фильмлар. 18.45 — Қишлоқ ишлар ва муаммолар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30—Фильм-концерт. 19.45 — Фан оламида. 20.15 — Салом шаҳар. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.10 —Дунё воқеалари. 23.25—Дунё халқларининг ижоди.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30—Болалар учун фильм. 12.00 — Светофор. 13.00 — Замандас. 13.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Қизиқарли учрашувлар. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Шеърият билан учрашув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дирижёр ҳикоя қилади. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Кинокўрсатув.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Бошланғич мактаб: муаммолар ва ечимлар. 20.55 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.25 — Телефильм. 21.35 — Беш йилликнинг якунловчи йилига зарбдор меҳнатимиз. 22.05 — Мен, сен, у ва телефон. Телетеатр.

11 ОКТЯБРЬ ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — АБВГДейка. 10.35 — Ота-оналар, сизлар учун. 11.05 — Футбол шарҳи. 11.35 — Кўплаб сифатли маҳсулотлар етказиб берайлик. 12.05 — Рассомлар ҳақида ҳиколлар. 12.30 — Голиблар. 13.45 — Концерт. 14.55 — Мультфильмлар. 15.30 — Снесий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 16.00 — Хоккей. «Динамо» (М) — ЦСКА. Танаффусда — Спортлото. 18.15 — «Қароқчи». «Бизнес оламида» туркумидан. 19.10 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 20.15 — Дашт. Бадиий фильм, 1-серия. 21.30— Время. 22.05 — Дашт. Бадиий фильм, 2-серия. 23.00 — Ҳужжатли фильм. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Телеминиатюралар. 10.55 — Концерт. 12.05 — Ўзбекистон спорти. 12.35 — Қорақалпоғистон шоирлари. 13.45 — Сиҳатсаломатлик. 14.15 — Юрак амри. Бадиий фильм. 15.45 — Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги. 18.20 — Қўғирчоқ фильмлар. 19.00 — Санъат гунчалари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Союзмультфильм киностудияси—меҳмонимиз. 20.30 — Ахборот. 20.50—Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Тергов. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

19.10 — Душанба кўрсатувлари.

12 ОКТЯБРЬ ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Здоровье. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Қурилиш ва архитектура. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Катта ўзгаришлар. Бадиий фильм, 1-серия. 15.35 — Кинопрограмма. 16.20 — Концерт. 17.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.10 — Мультфильмлар. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Бугун — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ходимлари куни. 19.35 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Эстрада программаси. 23.00 — Спорт программаси. 00.10 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Қўшиқ айтган етар муродга. 11.10 — Ҳужжатли фильм. 11.30 — Инсон ва қонун. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Буратино. Спектакль. 14.30 — Реклама. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.50 — Фильм-концерт. 19.20—Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телеминиатюралар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ходимлари куни. Концерт.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1966 ЙИЛГИ 3 %ли ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЕМИ

114-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1980 йил 30 сентябрь Хабаровск шаҳрида бўлиб ўтдi.

ЗАЕМНИНГ ҲАММА ТУҚСОН БЕШ РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ ВА ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
100622	1—50	100	133999	21*)	500	161520	09*)	500
101426	48*)	500	134170	29*)	5000	162930	46*)	500
101802	36*)	500	134858	1—50	40	162950	1—50	40
102100	12*)	500	134920	1—50	40	164049	38*)	500
102488	1—50	100	135380	09*)	500	166039	1—50	40
103023	31*)	500	135556	34*)	500	166429	11*)	2500
103883	50*)	500	136091	06*)	500	166491	48*)	500
105294	40*)	500	136322	33*)	500	167589	22*)	500
105613	04*)	1000	136423	1—50	100	167681	14*)	500
105874	46*)	500	136845	1—50	40	167723	44*)	500
106471	29*)	500	136860	1—50	40	168476	17*)	1000
106496	23*)	1000	137512	42*)	500	169446	06*)	500
106693	1—50	40	137908	21*)	500	169797	50*)	500
107319	38*)	500	139212	37*)	500	169848	35*)	500
107532	1—50	100	139219	11*)	500	170905	1—50	40
107586	32*)	1000	139372	43*)	500	171257	18*)	500
108200	17*)	2500	139619	08*)	500	171763	21*)	500
108943	21*)	1000	139739	1—50	40	171965	32*)	500
109745	14*)	500	139888	20*)	500	173729	1—50	40
110338	48*)	5000	140314	1—50	100	173743	41*)	1000
110340	1—50	40	140527	1—50	40	173784	23*)	500
110715	48*)	500	140572	1—50	40	173785	03*)	500
110830	12*)	500	140803	1—50	40	174514	1—50	40
111223	49*)	500	141110	14*)	500	174675	21*)	1000
111907	28*)	1000	141515	50*)	500	175774	1—50	40
112106	18*)	500	142601	35*)	500	176236	47*)	500
112196	32*)	500	142621	07*)	1000	176397	1—50	40
112459	1—50	40	142695	30*)	1000	176492	16*)	500
113840	1—50	40	143188	37*)	500	176701	30*)	1000
114349	37*)	500	143210	1—50	40	176937	1—50	100
114376	10*)	500	145033	11*)	500	177156	31*)	500
114805	1—50	40	145261	18*)	500	177562	40*)	1000
115176	43*)	500	145318	46*)	500	180329	34*)	500
115361	18*)	500	146743	49*)	500	181577	07*)	500
115770	1—50	40	148255	1—50	100	182210	24*)	1000
115932	28*)	500	148619	1—50	40	182808	1—50	100
116240	1—50	40	149230	12*)	500	183334	23*)	500
116916	1—50	40	149892	30*)	500	183837	04*)	1000
117089	15*)	1000	149972	1—50	40	184095	1—50	40
117453	50*)	500	150530	14*)	1000	184237	36*)	500
118358	50*)	1000	150560	1—50	100	184607	02*)	500
118943	1—50	40	150591	1—50	40	185823	38*)	2500
119281	46*)	500	151084	1—50	100	187081	25*)	500
119494	1—50	40	151373	38*)	500	187127	1—50	100
119962	47*)	500	151381	1—50	40	188075	22*)	500
120010	1—50	40	151494	38*)	500	188714	43*)	500
121995	1—50	40	152805	15*)	500	189039	1—50	100
122592	47*)	500	153548	15*)	500	189341	23*)	500
122990	05*)	1000	153872	49*)	500	191351	1—50	40
124069	01*)	500	153995	05*)	500	191723	47*)	500
126621	12*)	500	154085	39*)	500	191836	35*)	500
127271	14*)	500	154721	1—50	40	192029	07*)	500
127653	33*)	1000	155343	28*)	2500	192425	12*)	500
128886	25*)	500	155803	49*)	500	192691	13*)	500
129320	43*)	500	155892	29*)	500	193090	11*)	500
129792	23*)	500	157012	43*)	500	193729	01*)	500
130669	20*)	1000	157953	41*)	500	194795	29*)	500
132090	05*)	500	158376	1—50	40	194819	46*)	500
132107	50*)	500	158438	24*)	500	194883	1—50	100
132354	46*)	500	158678	46*)	500	196673	36*)	2500
132589	07*)	500	159661	31*)	500	199266	19*)	500
133241	1—50	40	159763	1—50	100	199738	25*)	500
133725	1—50	100	161011	30*)	500			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон ССРдаги омонат кассалари газетанинг янги сони келганидан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — Хабаровск ўлка халқ депутатлари Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — В. И. БУТЕНКО.

Комиссия масъул секретари — Л. П. ЕСИНА.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

«ЧОТҚОЛ» ЧОРЛАЙДИ

Республика Геология министрлигига қарашли «Чоткол» санаторий-профилакторийси Чирчиқ дарёсининг хушманзара чап соҳилига жойлашган. Бу ерда асосан юрак, асаб касалликлари даволанади. Шифохона барча қулайликларга эга: замонавий физиотерапия ва даволаш кабинетлари, ванна ва душхоналар ишлаб турибди. медицина ходимлари дам олувчиларга малакали хизмат кўрсатмоқда.

Санаторий-профилакторий территорияси кенгайиб, тобора ободонлашиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида фин ҳаммоми ва очиқ ховуз ишга тушди. 200 ўринли корпус ва янги ошхона қурилиши бошлаб юборилди. Шифохонада ёш болали оналар учун ҳам яхши шароит яратилган. Санаторий ҳузурида болалар боғча-яслиси ишлаб турибди.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

ЖАҲОНДА ЯХШИЛАР КЎП

Қашқадарё область Чироқчи районидаги «Кўқдала» совхозида механизатор бўлиб ишлайман. Эътиборсизлик туфайли оёғим тойиб, қудуққа тушиб кетдим. Қўнинқўшнилар, бахтимга омон бўлишсин, қудуқ ичидан олиб чиқишди. «Тез ёрдам» бўлимига хабар беришган экан, мени тўғри район касалхонасига олиб боришди. Ахволимни кўриб область касалхонасидан тажрибали шифокорларни маслаҳатга чақиришибди. Улар зудлик билан операция қилиш керак деган фикрни айтишди, ўзлари бош бўлиб, область шифохонасига олиб боришди.

Жаррохлик бўлимининг тажрибали шифокори Абдурасул Раҳимбергановнинг ўзи операция қилиб, мени ҳаётга қайтарди. Кўли енгил, кўнгли очиқ, беморларнинг ҳар қандай дардига малҳам, ширинсуҳанлиги учун А. Раҳимбергановдан бир мен эмас, ҳамма миннатдор. Шундай шифокорларга ҳар қанча раҳмат айтилса, кам.

Н. ШЕРБОЕВ.

* * *

Шунингдек, газетхонлардан **У. Ниёзматов, Б. Жумаминёзова** (Хоразм), **Г. Жиянова, Ш. Баҳромова** (Тошкент области), **Т. Абдусаматов** (Андижон), **А. Мирзаев** (Қашқадарё), **И. Боборахимов** (Наманган), **Х. Нарзикулова** (Бухоро), **Х. Ибодова, М. Машрапов** (Фарғона), **Ғ. Болқиев, Ф. Тиллахўжаева** (Тошкент) ва бошқалар ҳам редакциямизга турли мавзуда хат-хабарлар йўллашган.

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

ФОТИМА БАРҲАЁТ

Яқинда Тошкентдаги Форобий номли республика коммунистлар қабристонига кўйилган Фотима Сиддиқованинг қабрига шаҳар комсомол комитетининг ташаббуси билан ёдгорлик ўрнатилди.

Собир Раҳимов район комсомол комитетининг биринчи секретари М. Жалолов ва Ф. Сиддиқовани билган ветерандардан Солих Юнусов, Ҳикоят Ҳасанова, Неъмат Пўлатов ҳамда Шерали Шариповлар унинг тўғрисида ўз хотираларини сўзлаб беришди. Шундан кейин шоир Тўхтамурод Деҳқонийнинг «Фотима ҳақида қўшиқ» шеърига басталанган марсияни кекса хонанда Ў. Шарипова ижро этди. Пионерлар ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишди.

Хўш, Фотима Сиддиқова ўзи ким? Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ички ғаниимларга карши курашда нур бўлиб чақнаган кўпгина комсомоллар, ёш коммунистларнинг қони тўкилди. Бугунги кунда уларнинг номи халқ эъзозида, тилларда достон. Уларнинг ишлари ёшларимиз учун жасорат мактаби бўлиб қолди.

Фотима Сиддиқова ҳам ана шундай курашларда ўтмоқ бўлиб чақнаган, Тошкентнинг биринчи комсомолларидан эди. У Тошкентнинг Ёнарик қишлоғида ёш Совет ҳокимиятининг мақсад ва вазифаларини меҳнаткаш халқка тушунтирар, маърифат тарқатишда, саводсизликни тугатиш ва дин пешволарига карши кураш олиб боришда Тошкент шаҳар комсомол комитети хотин-қизлар бўлимининг мудири сифатида ташкилотчилик қиларди. Хотин-қизлар озодлиги ва колхоз тузиш ишларида актив қатнашарди.

Кутилмаганда 1929 йил февраль ойида эрк душманлари қўлида қурбон бўлди.

Орадан 50 йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Собир Раҳимов районидаги 133-ўрта мактаб ўқувчилари «қизил изтоплар» отряди Фотима Сиддиқованинг қабрини ва унинг жасорати, ажойиб ишларини акс эттирувчи ҳужжатларни қидириб топдилар. Ф. Сиддиқованинг қариндош-уруғлари — Самарқанд область Нурота районида яшаётган Шавкат Сиддиков, Жанубий Қозоғистоннинг Сарағоч районида яшовчи Муқаррам Хабибуллина, Тошкентнинг Киров районидаги Лутфий кўчасида истиқомат қилувчи Мунира Зуфаровалардан Фотима Сиддикова ҳақида қимматли материаллар олинди.

Ҳа, халқ бахт-саодати ва ёркин келажак учун хизмат килган, курашган кишиларнинг номи унутилмайди, улар халқимиз қалбида ҳамиша барҳаёт!

Ҳ. ИЎЛДОШЕВ,
Тошкентдаги 133-ўрта мактаб «қизил изтоплар» тўгарагининг раҳбари.

ҲАР ТЎҒРИДА

УЛКАН ҚОВОҚ

Бразилиялик фермер Жозе Фариа 63 килограмм келадиган қовоқ етиштирди. Ҳозир бу улкан қовоқ мамлакат пойтахтида намойиш этилмоқда. «Коррейю Бразилиэнси» газетасининг ёзишича, хозирга кадар бразилиялик селекционерлар 15—20 килограмм келадиган қовоқ олишга муваффақ бўлиб келган эдилар.

СУВ ТОШҚИНИ

Вамсадхара дарёсининг юқорисида жала ёмғирлар вужудга келтирган тошқин натижасида Ҳиндистондаги Андҳра Прадеш штатининг бутун шимолий соҳил бўйи районлаштошқи дунёдан ажралиб қолди. Олинган маълумотларга кўра, сув окими аҳолиси 100 минг кишидан кўп бўлган 144 кишлоқни босган, 50 минг гектардан кўп майдондаги экинларни пайҳон қилган, бир неча кўприкни оқизиб кетган, темир йўл, автомобиль йўлини ўзиб қўйган. Вамсадхарининг тошқин суви Орисса штати жанубий қисмининг экономикасига ҳам катта зарар етказди. Дарё суви Гунупур ва Гудари шаҳарларини тамомила босди, бу шаҳарларнинг аҳолиси уйларнинг томида ва дарахтларда жон сакламоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, бу ерда юздан кўп киши табиий офат қурбони бўлган.

ЖОНИВОРЛАРНИНГ «ЎЗАРО ЁРДАМИ»

Руминиядаги Дистрица дарёси сув омборида нодир бир балик яшайди. Уни махаллий аҳоли «Боарце» деб атайди. У сиртдан леш балигига ўхшаб кетади. Унинг қизик хусусияти шуки, у уруғини дарё устрицасининг чиғаноғига ташлайди. Ана шу хизмат эвазига балиқ моллюскانинг қуртлари тўғрисида қайғуриб, уларни боқиб туради. «Боарце»ни топган профессор С. Чобанунинг фикрича, бу ҳодиса иккки жонивор нинг наслини давом эттиришдаги ноёб «ўзаро ёрдами»дир.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Крошнинг таътиллари. Бадиий фильм, 3-серия. 11.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Шахмат мактаби. 16.35 — Мураббий. 17.05 — Концерт. 17.25 — Сариқ чемоданинг саргузаштлари. Бадиий фильм. 19.00 — Спортлото. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Жасорат. 20.00 — Концерт. 20.20 —Крошнинг таътиллари. Бадиий фильм, 4-серия. 21.30 —Время. 22.05 — Эрмитаж. 22.35 —Дунё воқеалари. 22.50 — Жигало ва Жиголетта. Бадиий фильм. 23.30 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30—Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — География. 13.00 — Менинг меҳрибон дадам. Телеспектакль. 18.00 — Мультфильм. 18.10 — Жонажон ўлка. 18.40 — Ёшлик. 19.10 — Пиллик планни 7 ноябрга бажарамиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Фильм-концерт. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Қўшиқ айтган етар муродга. 23.20 — Ҳужжатли фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.25 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек шоираларининг лирик дафтари. Концерт. 9.30 — «Санъат саодатимдир». 10.25— «Дугоналар». 11.30 — Ёш овозлар. 12.00 — Концерт. 12.45— Мактаб ва ҳаёт. 13.00 — Маҳсулдорликни ошириш — асосий резерв. 13.30 — Ўзбекистон композиторларининг эстрада куйлари. 14.00 — Меҳнат зафарларимиз — КПСС XXVI съездига. 16.10 — Бизнинг буюк бастакорларимиз. 17.35 — Комсомол шанбалигининг тўлқинлари. 18.15 — Партия ҳодими минбари. 19.45 — Доира оҳангида. 20.25 — Концерт. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — «Санъат саодатимдир». 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Концерт. 23.20 — Лирик тароналар.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/Х да Соқов рицарь.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/Х да Хўжайин, 5/Х да Тўйдан олдин томоша (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастроллари (19.30).

●

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Давлат университети қошидаги

ЕШЛАРНИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ТАЙЁРЛАЙДИГАН

МАРКАЗИЙ КУРСЛАР

1980—81 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсларига кирувчилар университет ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси (10-синф ўқувчилари учун мактабдан справка), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 2 та фотосурат, иш жойидан справка (ўрта маълумотлилар учун).

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида ҳафтада уч марта ўтказилади.

Ҳужжатлар душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 17.00 дан 20.00 гача ТошДУ бош корпусининг «А» бўлими, математика факультетининг 5-қават, 501-хонасида қабул қилинади.

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1981 йилда техникумнинг кундузги ва кечки бўлимларига кириш учун (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда) тайёрлайдиган

ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой.

8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ШУНИНГДЕК 8—10-СИНФДА ЎҚИЕТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ЎҚИШ 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: техникум директори номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусха), кундузги мактаб ўқувчилари — ўқув жойидан справка.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 14.00 дан бошлаб 2-қават, 205-хонада қабул қилинади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй. Телефон: 33-89-23.

●

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ КИЕВ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

институтнинг Тошкент филиалида ишлаш учун линияли радиотехник занжирлар бўйича доцент

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛ